ОКТЯБРНИНГ ЭЛЛИК ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 66 (3548). | Якшанба, 2 апрель 1967 йил. | Баҳоси 2 тийин.

Областимиз қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари қардош Тожикистон ССРдаги Ленин номли ва Ўзбекистон ССРдаги Ҳамроқул Турсунқулов номли колхозлар ўртасидаги мусобақага қўшилиб, юбилейни муносиб кутиб олиш учун курашмоқдалар.

САБЗАВОТКОРЛАР ҒАЙРАТИ

Калинин район деҳқонлари юбилей йилида ички резерв ва имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, давлат қабул пунктларига 19 минг тонна картошка, 79 минг тонна сабзавот ва 13 минг тонна полиз маҳсулотлари топширишга қарор қилдилар.

«Қорасув» сабзавотчилик совхозидамиз. Совхоз партия комитетининг секретари ўртоқ М. Ёқубова бизни Н. Муҳиддинов бошлиқ комплекс механизациялашган бригадага бошлайди. Бу участка ўтган йили механизацияни жорий қилиш, агротехниканинг илғор усулларидан фойдаланиш натижасида гектаридан 250—300 центнердан сабзавот маҳсулотлари етиштириб, йиллик планни 107 процент адо этган. Участка ишчилари 57 гектар ердан пландаги 780 ўрнига 798,5 тонна сабзавот олишга муваффақ бўлишган эди.

Участкада ҳозир барча иш механизация зиммасига юкланган. 42 гектар карам, 25 гектар картошка, 15 гектар лавлаги машина ёрдамида экилиб, озиқлантириб қўйилди. Эртаги помидор уруғи машинада сепилмоқда. Кечки экинлар экиш учун ерлар суғорилмоқда. Чунки, шундай қилинганда ёввойи ўтлар ер бетига кўкариб чиқади. Сўнгра улар териб ташлангач, ариқ олиниб, помидор кўчати экилади. Совхозда бу йил 20 та механизациялашган звено иш олиб борапти. Уларнинг ҳар бири ўз технологик картасига эга.

— Ўтган йили,—дейди Насриддин ака: участкамизда бир центнер сабзавот 3 сўм 71 тийинданга тушди. Чунки, барча иш машинада бажарилди. Машина туфайли биргина ош лавлагидан 300 сўм фойда кўрдик. Ҳар гектар ердан 70 тоннадан лавлаги етиштирдик. Бу йил таннархни 3 сўм 21 тийинданга туширимиз.

Районнинг кўпчилик хўжалигида далачилик ишлари Насриддин ака иш тажрибаси асосида олиб борилмоқда. Районда юздан ортиқ комплекс механизациялашган сабзавотчилик звеноларя арзон маҳсулот етиштириш учун меҳнат қилаётирлар. Сабзавотчилик ишлари тобора кенг механизациялаштирилаётгани учун экиш тезлашмоқда. Шу кунгача 1724 ўрнига 2000 гектардан зиёд ерга сабзавот экинлари экилди. Эртаги сабзавот экинларини экиш, айниқса, К. Маркс номли, «Москва», С. Раҳимов номли, Ленин номли колхозларда уюшқоқлик билан ўтказилди.

Шаҳар аҳолисини ва янги Тошкент бунёдкорларини сабзавот ва картошка маҳсулотлари билан таъминлашга С. Раҳимов номли колхоз миришкорлари ҳам муносиб ҳисса қўшишади. Колхоз деҳқонлари давлатга юбилей йилида 2000 тоннадан зиёд картошка, 3800 тонна сабзавот маҳсулотлари етказиб беришмоқчи. Колхозчилар гектаридан 13 тоннадан картошка, 23 тоннадан сабзавот олиш учун астойдил ишлаётирлар.

— Звеномизнинг ери 25 гектар,—дейди генерал С. Раҳимов номли колхоз комплекс механизациялашган звеносининг бошлиги Ж. Зулфиқоров.— Бу ерларга асосан карам, помидор, картошка экилади. Биз карам ва эртаги картошкани экиб бўлдик. Механизацияда ҳикмат кўп экан. Бу йил бир центнер сабзавотнинг 1 сўмга туширимиз. Қ. Маъмуров, С. Ҳайитметов, А. Самадов, У. Рихсиев ўртоқлар бошлиқ бригада далаларида ҳам қизғин меҳнат авжида.

Калинин район меҳнаткашлари юбилей йилида аҳолини сабзавот ва картошка маҳсулотлари билан мўл-кўл таъминлаш учун ана шундай жўшқин меҳнат қилаётирлар.

Қ. ТУЛЕБАЕВ.

ҚАРДОШЛАР МУСОБАҚАСИГА ҚЎШИЛАМИЗ

Қардош Тожикистон республикасидаги Ленин номли колхоз билан Ўзбекистондаги Ҳамроқул Турсунқулов номли колхоз ўртасида шонли юбилей йилида гектаридан 40 центнердан ҳосил етиштириш учун бошланган социалистик мусобақани Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маъқуллаб махсус қарор чиқарди. Бу воқеа ҳамма деҳқонларни ғайратлантириб юборди. Юбилей йилида қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан айниқса пахтадан юқори ҳосил етиштириш барча қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг муқаддас бурчидир. Айниқса бизнинг колхозсингари энди ривожланиб келаётган хўжаликлар учун машъалларга эргашиб, юқори ҳосил етиштириш энг зарур ва ҳаёт талаб қилаётган масаладир.

1963 йилда бизнинг колхозимизда ҳосилдорлик 15 центнер эди. Утган йили ҳар гектар ердан 21,4 центнердан пахта олдик. Уч йил мобайнида ҳосилдорлик 6,4 центнер кўтарилди. Илғор бригада ва звено бошлиқларининг иш натижалари бизда ҳам ҳосилдорликни ошириш учун катта имкониятлар борлигини аниқ кўрсатиб берди. Масалан, Жонон Байрамов, Карим Эгамбердиев, Мурод Носиров, Сегизбой Турсунов сингари ўртоқлар бошлиқ звеноларда 27—28 центнердан ҳосил етиштирилди.

Юқори ҳосил учун кураш аввало тўла гектар учун курашдан бошланади. Гектар тўла ва гектарда кўчат белгиланган миқдорда бўлиши шарт. Шунинг учун гектар ичидаги бехуда уютларни бўш ётган ерларни ерга қўйиш тадбирларини амалга оширмоқдамиз. Шундай ерлар ҳисобига бу йил пахта майдонига 20 гектар ер қўшилади.

Еввойи ўт ҳосилининг заволидир. Уни йўқотмай туриб мўл ҳосил етиштириш қийин. Шунинг учун ерни чигит экишга тайёрлаётган айни пайтда ёввойи ўт илдизларини териб ташлашга, ерларни тозалашга алоҳида аҳамият бераётирмиз. Барча звено аъзоларига ҳозиржаноқ қозиқ қоқиб ерлар бўлиб берилди. Улар ўзларн ишлайдиган ерларда чигит экишдан олдин ёввойи ўтга қарши кураш олиб бормоқдалар.

Юбилей йилида колхозимиз чорвадорлари ҳам дастлабки ғалабага эришдилар. Давлатга 162 центнер гўшт сотиб йиллик планни шараф билан бажардилар.

Колхозимиз аъзолари иккі қардош республиканинг машъал хўжаликлари ўртасида бошланиб кетган социалистик мусобақага қўшилиб, юбилей йилида янгидан-янги ютуқларга эришиш учун курашадилар.

Юсуф МАМАШАЕВ.

Бўка районидаги «Ленинобод» колхозининг раиси.

ҲОСИЛ БЕШ ЦЕНТНЕР ОШАДИ

Шукрулло Мамбетовни колхозда ишнинг кўзини биладиган, тажрибали бригадир сифатида танишади. Шукрулло ака бу ишончга ишчанлиги, ташкилотчилиги туфайли эришган.

Деҳқончилик касбининг моҳир устаси Шукрулло ака бу йил ҳам ўз хоҳиши билан колхоздаги қолоқ бригадалардан бирига ўтибди. Бригадир ердаи бир сиқим тупроқ олиб синчиклаб кўздан кечирар экан ўзича сўзлади:

— Ер ҳали тобига келгани йўқ. Яна бироз бор. Уруғни ерга оби-тобида ташламасанг, унмай қолиши мумкин.

Чиндан ҳам бригада коллективи экишга шай бўлиб турибди. 217 гектар пахта майдонининг ҳар гектарига 350, 400 килограммдан суперфосфат сепилди, барча майдон сифатли текисланиб бир сидра боронадан чиқарилди. Бу йилги уларнинг мақсади ҳосилдорликни камида олти центнердан ошириб 22 ўрнига 28 центнерга етказиш.

Ўрта Чирчиқ районидаги Калинин номли колхознинг барча пахтакорлари беш йиллиқнинг иккинчи йилида ҳосилдорликни 5 центнерга кўтаришга аҳд қилишган. Ана шу истак йўлида тер тўкаётган бу колхозда барча техника ва карталар экишга шай қилиб қўйилди. Мавжуд 1400 гектар майдон сифатли ўғитланиб, бороналанди.

— Биз,— дейди колхоз раиси ўртоқ Б. Иброҳимов,— Тожикистон ССРдаги Ленин номли колхоз аъзолари билан Ўзбекистон ССРдаги Ҳ. Турсунқулов номли колхоз аъзоларининг икки қардош ўртасида мусобақани кучайтириш тўғрисида чиқарган қарорини чин кўнгилдан маъқуллаймиз. Шу мусобақага қўшилиб, давлатимизнинг ярим асрлик тўйига муносиб совға билан бориш хўжалигимиз кишиларининг асил шиори бўлиб қолади.

Н. ТУРАЕВ,

Пойтахтдаги 2-пойафзал фабрикасида Римма Селекаеванинг илғор ишчи сифатида танишади. У ишда илғор бўлиши билан бирга актив жамоатчи ҳамдир. Римма 7-цех комсомол ташкилотининг секретари. Суратда: Римма Селекаева. Н. Муҳаммаджонов фотоси.

ПАХТА ТОЗАЛОВЧИЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

Область пахта тозалаш саноати ходимлари Улуг Октябрнинг 50 йиллиги шарафига социалистик мусобақани қизитиб, меҳнатда катта ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Йил бошидан бери фидокорона ишлаётган азаматлар юбилей йилининг дастлабки квартали планини муддатидан илгари 100,3 процент қилиб адо этдилар. Бунда Тошкент, Алимкент, Янгийўл, Бекобод ва Далварзин пахта заводлари коллективларининг ҳиссаси катта бўлди.

Пахта тозалаш саноати ходимлари экспорт учун «оқ олтин» ортиш планини ҳам зиёдаси билан адо этдилар. Чет эл мамлакатларига топшириқдагига қараганда 400 тонна кўп пахта толаси жўнатилди.

Ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчилар қўлга киритилган бу ютуқни янада мустаҳкамлашга астойдил интилмоқдалар. Квартал охиригача қўшимча 600 минг сўмлик ялпи маҳсулот, шу жумладан 800 тонна кўпроқ пахта толаси ишлаб чиқардилар.

К. РОГАЧЕВ.

Ўрта Чирчиқ районидаги 1-«Оҳангарон» совхозида чорва молларига етарли миқдорда емхашак тайёрлаш учун курашилмоқда. Шунинг учун ҳам маккажўхори ва беда экиш ишлари бу ерда сифатли қилиб ўтказилди. Суратда: сўнгги гектарларга беда экилаётир.

В. Сироткин ва Н. Глауберзон фотоси.

БИРИНЧИ МАРРА ЭГАЛЛАНДИ

Далварзин ремонт заводи коллективи Улуг Октябрнинг шонли юбилейи шарафига ўзаро мусобақани кенг қулоч ёйдириб, 1967 йил биринчи квартал планини муддатидан ўн кун олдин муваффақиятли бажарди. Пландаги 211 минг 500 сўмлик ўрнига 214 минг 200 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Эришилган ютуққа мотор ремонт цехи ишчилари айниқса катта ҳисса қўшдилар. Цех бўйича квартал топшириғи 117 процент бажарилди. Пландаги 70 минг сўмлик ўрнига 82,5 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди.

Юбилей йилида завод кенгайиб қуввати тағин ҳам ошади. Ҳозир 435 ишчи ўринлик қўшимча цех қурилиши ниҳоясига етиб қолди. Натижада ҳар йили уч мингта мотор, 590 та ҳар хил маркадаги трактор, 333 та бульдозер, 80 та экскаватор, 45 та скреперни ремонт қилиш имкони туғилади. Заводнинг кенгайиши билан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳам бир неча баравар кўпаяди.

М. РУЗИМАТОВ.

КИТОБ—ОММАГА!

Қишлоқ китоб савдоси ходимлари ва китобхонлари билан учрашмоқ учун Оққўрғон райони маданият уйига шоирлар, ёзувчилар ва нашриёт ходимлари келишган эди. Кечани область матлубот жамияти правлениесининг раиси ўртоқ А. Расулов очади.

Шундан сўнг шоир ва нашриёт ходимлари билан қишлоқ китоб савдоси ходимлари ҳамда китобхонлар ўртасида қизғин савол-жавоб бошланиб кетади. Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриётининг директори Т. Рустамов, шу нашриёт бош редакторининг ўринбосари Т. Иброҳимов, ёзувчи Я. Илясов, шоир М. Икром, ёзувчи Л. Белов, «Ўқитувчи» нашриёти бош редакторининг ўринбосари А. Турганов ва бошқа ўртоқлар юбилей йили режалари ҳақида гапириб бердилар.

ТАСС БАЁНОТИ

Жанубий Корея «Бош министри» Тен Ир Квон шу йил март ойининг ўрталарида расмий визит билан АҚШга борди. Бу визит АҚШнинг Вьетнамда олиб бораётган жиноятнорона урушида унинг асосий шериги бўлиб қолган Жанубий Корея қўғирчоқ режимининг активлиги кучайганлигининг исботи сифатида эътиборни ўзига жалб қилди.

Жанубий Корея «Бош министри» Вашингтонда турганида Америка агрессорларининг ҳаракатларини ҳимоя қилишга уриниб кўриш учун куч-қувватини аямади. Бунинг устига у Вьетнам масаласини сиёсий йўл билан бартараф этишга ҳар қандай уринишлардан тийилиб туришни, ВДРини бомбардимон қилишни давом эттиришни талаб қилди.

Тен Ир Квон билан Жанубий Корея ҳарбий хунтаси бошқа бошлиқларининг инсониятга қарши «философияси» яхши маълумдир. Утган йили Теннинг ВДРини бомбардимон қилишни кучайтириш тўғрисидаги чақирилгига жавобан Америка сенатори Морзе: «Тен ва унинг ҳукумати урушда бунёдга келди, уларнинг тирик қолишлари учун ҳам уруш керак»,— деган эди.

Тен Ир Квоннинг АҚШ президенти билан олиб борган музокаралари натижасида эълон қилинган Америка — Жанубий Корея қўшма баёнотида АҚШ ҳукмрон доираларининг Вьетнам халқига қарши олиб борилаётган жиноятнорона урушни кенгайтириш учун ўзларига итоаткор Жанубий Корея режимини янада кўпроқ тортиш ниятида эканлигиларидан шак-шубҳа қилишга ўрин қолдирмайди.

Жонсон билан Тен Ир Квон баёнотидан маълум бўлишича, Жанубий Корея маъмурларининг Вьетнам урушида қатнашувини кенгайтириш юзасидан қилган «самаралы ҳаракатлари» АҚШ ҳукуматининг алоҳида мақтовларига сазовор бўлди. АҚШ ҳукумати Ҳинди-Хитой халқларига нисбатан авантюристик сиёсат туфайли ўзининг маънавий-сиёсий якаланишидан холос бўлиш йўлини топишга уринмоқда. АҚШ доллар эвазига ватандошларини сотаётган малайларини агрессияга жалб қилар экан, бу билан босқинчилик урушига «коллектив ҳаракат» тусини бермоқчи. Ҳозирги вақтда Жанубий Вьетнамда Жанубий кореялик 45 минг солдат бор. Ленин уларга бу ҳам оз кўринади. Матбуотнинг хабар беришича, яқинда Жанубий Корея «Бош министри», Жанубий Корея Жанубий Вьетнамга қўшимча қўшинлар юборишга тайёр деганида Вашингтон бу гапни очиқдан-очиқ мамнуният билан қабул қилиб, Жонсон — Тен Ир Квон баёнотида «иккала ҳукумат Вьетнамдаги уруш ҳаракатларини ғайрат билан давом эттиришга аҳд қилганликларининг далили» сифатида анс эттирилди.

Сеул маъмурлари Пентагонга долларга сотаётган тўп емн эвазига АҚШдан янги ҳарбий ёрдам, бутун Жанубий Корея армиясини модернизация этишни талаб қилмоқдалар. Қўшма баёнотдан кўринишича, томонлар «Корея қуролли кучларини қонун ва бюджет доиралари имкон берган даражада тез модернизация қилиш» ҳақида келишганлар. Жанубий Кореяни милитаризация қилиш учун важ кўрсатиш, жамоатчилик фикрини чалғитиш учун КХДР томонидан Жанубий Кореяга қарши «агрессия хавфи» бор деган сохта гаплар айтилмоқда.

Корея Халқ Демократик Республикаси ҳукуматининг Кореяни қайта бирлаштириш масаласидаги тинчликсевар позицияси бутун жаҳонга яхши маълумдир. Бир-барларига қарши қурол ишлатишдан воз кечиш тўғрисида, Шимолий ва Жанубий Корея армияларини ҳар бир томондан 100 минг кишн ва ундан ҳам озроққа қадар қисқартириш тўғрисида, Корея масаласини тинч бартараф этиш учун манфаатдор мамлакатларнинг кенгашини чақириш тўғрисида Шимол билан Жануб ўртасида сулҳ битими тузишни Сеулдаги Пак Чжон Хи тўдаси эмас, балки КХДР ҳукумати таклиф қилган эди. КХДРнинг Корея ярим оролида хавфсизликни таъминлаш ва мамлакатни тинч йўл билан бирлаштириш юзасидан қилган мана шу ва бошқа конструктив таклифларини Жанубий Корея маъмурлари бутунлай рад этиб келмоқдалар. Шундай экан, ким кимга ҳужум қилмоқчи бўлиб чиқади? Кореядаги аҳволга холис баҳо берадиган ҳар бир кишига бунинг жавоби равшандир: айни АҚШ қўшинларининг Жанубий Кореяда турганлиги, қўғирчоқ армияга Америка ҳарбий техникаси тобора кўпроқ берилаётганлиги ва Америка ҳарбийларининг 38-параллел районида игвогарлик ҳаракатлари ярим оролда аҳволни кескинлаштиряпти.

1966 йил июнь ойида Сеулда АҚШ паноҳида тузилган коммунизмга қарши АЗПАК иттифоқи (Осиё—Тинч океан кенгаши) «янги Тинч океан уюшмаси»ни вужудга келтириш погонаси эканлиги Америка — Жанубий Корея баёнотидан кўриниб турибди. АҚШ ана шу «уюшма» учун жонбозлик қилар экан, унинг ёрдамида Тинч океан ҳавзасида миллий-озодлик ва демократия ҳаракатга қарши курашни кучайтиришга, Американинг вьетнам халқига қарши жинояткорона урушига илоҳи борича кўпроқ мамлакатларни жалб этишга уринмоқда.

Жанубий Корея «Бош министри»нинг АҚШ президенти билан олиб борган музокаралари Вьетнамдаги урушни кенгайтириш, Узоқ Шарқ районидаги кескинликни кучайтириш плани элементларидан биридир, холос. АҚШ президенти Жонсоннинг ўтган йил ноябрь ойида Сеулга қилган визити ва Тен Ир Квоннинг шу йил февраль ойида Сайгонга борганлиги ҳам ана шу мақсадларга хизмат қилди. Президент Жонсон Вьетнамдаги урушни авж олдириш йўлида бундан кейин қўйиладиган қадамларни ўйлаб олиш учун Вьетнамга ўз қўшинларини юборган мамлакатлар ташқи ишлар министрларини апрель охирида Вашингтонга чақираётганлиги маълумдир. АҚШнинг Вьетнамдаги қароқчиларча агрессиясини тез тўхтатиш, Узоқ Шарқ районида ва бутун Осиёда халқаро кескинликни юмшатиш, Кореяни тинч йўл билан, бирлаштиришга эришишдан манфаатдор бўлган тинчликсевар халқларни бундай дипломатик «активлик» таш. вишлантирмай қололмайди.

Империалистик агрессияга қарши кураш олиб бораётган қаҳрамон вьетнам халқини СССР ҳукумати, бутун совет кишилари қатъий қўллаб-қувватламоқдалар. Четдан аралашилмаган ҳолда демократик асосларда ўз мамлакатини тинч йўл билан бирлаштириш учун курашаётган қардош корейс халқи билан улар тамомила бирдамдирлар. АҚШ империалистлари билан унинг сеуллик қўғирчоқларининг Корея, Вьетнам, бутун Осиё халқларига қарши қаратилган янги тил бириктиришлари ҳам барбод бўлишига шубҳа қилмаса ҳам бўлади.

ОЛМАЛИҚДАН ХУШХАБАРЛАР

КВАРТАЛ ПЛАНИ БАЖАРИЛДИ

Улуғ Октябрнинг 50 йиллик юбилейи шарафига ўзаро мусобақани кенг қулоч ёйдирган мебель фабрикаси коллективи 28 мартда юбилей йилининг биринчи квартал топшириғини шараф билан бажарди. Коллектив январь ойи планини 105, февраль ойи топшириғини эса 111 процент қилиб адо этган эди.

Мебелчиларнинг юбилей йилида ўз зиммаларига олган мажбуриятлари улкан. Улар йиллик планни муддатидан олдин бажариб, қўшимча 36 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга аҳд қилганлар. Йил давомида меҳнат унумдорлиги анча ошади. Маҳсулот таннархининг арзонлашувидан ўн минг сўмлик соф фойда кўрилади. Шунинг билан бирга корхонада китоб шкафи, сервант, телевизор тумбочкаси каби бир қатор маҳсулотларнинг янги турларини кўплаб ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Шаҳардаги 80-автобаза коллективи юбилей йилида ўз зиммасига қўшимча мажбуриятлар олиб ишлаяпти. Шоферлар ўз сўзларининг устидан чиқишяпти. Автобазада юк ташиш биринчи квартал плани муддатидан беш кун олдин шараф билан бажарилди. Коллектив ўз ички имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, квартал охиригача яна 25 минг тонна ҳар хил халқ хўжалик юкларини ташиб бериш мажбуриятини олган эди. Қўшимча мажбурият ҳам шараф билан адо этилди.

РУДАЛАР КАРВОН-КАРВОН

Юбилей йилини муваффақиятли якунлаш учун курашиб ўзаро социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдираётган қўрғошин кони участкалари биринкетин ғалаба рапортини бермоқда. 27 мартда конда биринчи бўлиб темир йўл цехи машинистлари руда ташиш квартал планини бажардилар. Айниқса, ўртоқ И. Ивашов бошлиқ смена аъзоларн ажойиб муваффақиятни қўлга киритишди. Улар ойлик топшириқни 140 процент қилиб бажаришди.

С. Дмитриев бошлиқ смена аъзоларининг иши ҳам мақтовга лойиқ. Улар 27 мартдан бери корхоналарга қўшимча юклар элтиб бермоқдалар.

Ж. НОСИРОВ,

«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ҲИНДИСТОН ЭЛЧИСИ—ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНИ

Совет — Ҳиндистон маданий алоқалар жамияти Ўзбекистон бўлимининг активлари Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган Ҳиндистоннинг СССРдаги элчиси Кевал Сингх билан 31 мартда учрашдилар. Бўлим президенти шоира Зулфия ҳинд меҳмонига бўлимнинг иши ҳақида гапириб берди.

Ҳиндистоннинг СССРдаги элчиси Ўзбекистонда бўлган вақтида Тошкентни кўздан кечирди, шаҳар ижроия комитетига борди. Кевал Сингх Лаъл Баҳодир Шастри номи билан боғлиқ бўлган жойларда бўлди. У республика халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси ва Самарқанд шаҳри билан ҳам танишди.

Кевал Сингх Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. С. Насриддинова ва республика Министрлар Советининг Раиси Р. Қурбонов ҳузурида бўлди. (ЎзТАГ).

БУГУН — ГЕОЛОГЛАР КУНИ

РАЗВЕДКАЧИЛАРИМИЗ

Корхонамизда тажрибали геологлар оз эмас. Улар кўп йиллардан бери изланиб, табиат инъом этган бойликлар калитини топаяптилар.

Геологларимиз беш йиллик давомида бир қатор муҳим ишларни амалга оширишлари керак. Уларнинг асосий вазифаси рудалар қазиб олиш пайтида ҳар хил исрофгарчиликларга чек қўйиш ва рудани бойитиш фабрикаларига жўнатиш процессларини такомиллаштиришдан иборатдир. Олтинтопган руда бошқармаси ер ости кони геологлари зиммасига ҳам муҳим вазифалар юкланган. Маълумки, юқори унумдорлик системасига амал қилинган пайтда бироз исрофгарчиликка ҳам йўл қўйилади. Разведкачиларимиз мана шу камчиликни ҳам бартараф этиш мақсадида рудаларнинг тоғ жинслари билан аралашиб кетишига йўл қўймайдиган тадбирлар комплексини ишлаб чиқдилар. Эндиликда маъдан очиқ усулда қазиб олинадиган конларда саралаш процессини механизациялаш устида бош қотирмоқдамиз. Шунинг билан бирга геофизика ва минералогия методлари асосида тажрибалар ўтказиш ҳам йўлга қўйиляпти.

Беш йиллик давомида коллективимиз бир ярим миллион сўмлик ҳажмда геология қидирув ишларини ўтказиши керак. Бу ғоятда мураккаб вазифадир. Бугун зўр хурсандчилик билан ўз байрамларини нишонлаётган геологларимиз барча қийинчиликларни енгиб, янги хазиналарни очиш, мамлакатга кўпроқ мис, қўрғошин, рух маъданлари етказиб бериш ниятидаги ғайрат билан меҳнат қиладилар.

В. ДЕДИ,
Олтинтопган руда бошқармаси ер ости конининг бош геологи.

КЎЧБУЛОҚ ОЛТИНИ

● КОН ҚАНДАЙ ОЧИЛАДИ ● КЎЧБУЛОҚ НОДИР МЕТАЛИНИНГ ДАСТЛАБКИ ЕМБИЛАРИ ● МОСКВА ОЛИМЛАРИ БИЛАН ҚУРАМА КОНЧИЛАРИНИНГ ҲАМКОРЛИГИ ● ЎЗБЕКИСТОН ОЛТИН ҚАЗИШ ИНДУСТРИЯСИНИНГ ЯНГИ МАРКАЗИ

Ўзбекистон геологларининг яқинда кўҳна Қурама тизмаларида очган Кўчбулоқ олтин конлари уларнинг хизматини айниқса яққол кўрсатади. Мен разведка мақсадида қазилган олтин конларини кўздан кечириб, неча ўн километр йўл босдим.

Бу сафардан таассуротимни суръат, кўлам, ташаббус деган учта сўз билан қисқача ифода қилмоқ мумкин.

...Тоғлар ларзага келди, уйларнинг дераза ойналари дириллади.

— Бу зилзила эмас, портлаш овозлари, — деб тушунтирди бу ердаги «геология корпуси»нинг бошлиғи геолог Дамир Мустафин. У шу олтин конини қидиришга умрининг беш йилини сарфлаган. Мустафин бу ердаги тоғнинг ҳувиллаб ётган ёнбағрида эндигина чодир тикилган пайтдан бошлаб ишлаб келади. Энди бўлса бу ерда минг киши яшайдиган кўп квартирали уйлар посёлкаси қад кўтариб турибди.

Уззукун ерининг кучли силкинаётганлигини сезиб турсамда, барча маҳаллий аҳоли сингари бунга ортиқ ҳеч қандай эътибор бермадим. Портлаш ишлари ой сайин кўпайиб бориб, мана шу чиройли баланд тоғлик жойларнинг ўзига хос юрак уришига ўхшаб қолган. Портлашлар бу ердаги қидирув ва қурилиш ишларининг ҳамон жадаллашиб бораётганлигини билдиради.

Кўчбулоқ олтин конининг чеккаларида ҳали қидирув ишлари давом этаётгани ҳолда, марказнга яқин жойлар синчиклаб разведка қилинмоқда, олтин конининг юрагида эса, кончилар иш бошлаб юборишган. Кучли ағдарма машиналар қурилиш жараёнида қазиб олинган руданинг дастлабки тонналарини элтиб бериш билан Кўчбулоқ тилласининг тўнғич ёмбилари олинди.

— Олтин конларининг Чодак группасига қараганда Кўчбулоқ икки баравар тезроқ разведка қилинмоқда. — Шарқий Қурама геология-қидирув экспедицияси бош геологи В. В. Мартиновнинг фикри шундай.

Қисқа муддат мобайнида қоялларда 15 минг метр узунликда разведка қазилмалари қилинган, олтин рудали қатламлар қидириб, умумий узунлиги 27 минг метрга борадиган кон-қудуқ пармаланган. Кўчбулоқликлар шу йилнинг ўзидаёқ 7,4 минг метр қазилма кавлашлари ва умумий узунлиги 30 минг метрга борадиган кон-қудуқлар пармалашлари керак. Тоғ бағрида ётган рудали жисмлар ва улардаги тилла таркиби тўғрисида аниқ тасаввур берувчи жуда катта материалга асосланиб табиий ҳазинанинг истиқболи ва ундаги фойдали қазилма запаслари канча экандлигини пухта айтиб бериш мумкин. Бунинг оқибатида кончилик корхонасининг кўлами ва унинг иш самарасини аниқлаш мумкин бўлади.

Бу ерда ўз касбига меҳр қўйган ижодкор ёшлар жуда кўп. Улар Тошкент, Новосибирск, Томск, Караганда ва мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларидаги олий ўқув юртлари ва техникумларни битириб келган кишилардир.

Участка геологи Баҳриддин Отабоев руданинг сири-асрорини яхши сезади, дейишади. Унинг меҳнат натижалари билан танишганингизда буларни қачон бажариб улгурганлигига ҳайратда қоласиз. Отабоев Тошкент университетини тугатгандан сўнг Чодак тилла конларини қидиришдан иш бошлаган.

Кўчбулоқ қидирув партиясининг бошлиғи Владимир Александров тилла қидиришга кўп умрини сарфлаган. У, Мурунтов тилла конини разведка қилганлиги учун ҳукумат мукофотига сазовор бўлган, Чодак тилла конлари запасини ҳисоблаб чиқарган. Владимир Александров Кўчбулоқда ҳам катта ишлар қилмоқда.

Ҳали Тошкентдалигимда: «Иван Горбунов проходкачилар бригадаси билан албатта танишинг» деб айтишганди. Шундай қилиб, мен конда, тоғ бағрига ўйиб кирилган кон йўлларидан бирининг оғзида шахтёрларнинг каскаларини кийган бир гуруҳ одамлардан:

— Горбунов бригадаси шу ердами? — деб сўрадим.

— Шу ерда, — деган жавоб бўлди.

Жавоб берганлар орасида кон шипини маҳкамловчилар, слесарлар ва ҳатто... олимлар ҳам бор экан.

Горбунов бригадаси Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги шарафига меҳнат вахтасини разведка конларини қазишда Ўзбекистон рекордини қўйишдан бошлаган. Бу дўстона коллектив бир ой мобайнида тоғ бағрида 200 метрли штольня қазиб ўтган.

— Яқин ойларда 300 метрли маррага етмоқчимиз, — деди Иван Горбунов.

— Ўшанда кўчбулоқликлар геология-разведка конлари қазиш тезлигининг Бутуниттифоқ рекордидан ҳам ўзиб кетадилар, — деб суҳбатга аралашди геология—разведка марказий илмий-тадқиқот институтининг старший илмий ходими В. В. Лигалов.

Москва олимлари Қурамадаги тилла разведкачилари билан ҳамкорликда кон йўлларини қазишдаги меҳнатни тўла механизациялаш проблемаси устида ишлаяптилар. Кўмир саноатида вагонеткаларга кўмир ортишда ишлатиладиган лентали ортиш машинаси шуларнинг ёрдамида мамлакатда биринчи бўлиб Кўчбулоқдаги руда конларида жорий этилди. Бундай механизм ишлатилиши туфайли битта вагонетка ўрнига бирдайнга бутун составга юк ортиш мумкин бўлади. Иван Горбунов бригадаси ана шу машиналар ёрдамида биринчи рекордни қўйган эди.

Ҳозир лентали юк ортиш машинаси руда конларидаги оғир иш шароитларида дастлаб синаб кўрилиб, сўнг такомиллаштирилмоқда.

Илғор бригада Совет ҳокимиятининг 50 йиллигига яна 2 минг метр кон йўллари қазиб тайёрлаш мажбуриятини олган.

Тоғ бағри бўйлаб тобора юқорироққа кўтарилиб борамиз. Мана, энг юқори горизонт разведка кон йўллари, штольнядан юриб, тоғнинг ичига кириб борамиз ва қорайиб кетган тоғ жинси уюмига тўқнаш келамиз. Уюм устида камбар тирқиш бор.

— Бу қадимги кончиларнинг кавлаган йўллари, — дейди Дамир Мустафин. — Мана бу, арча устунин кўраяпсизми — унга камида минг йил бўлган. Қадимги конлардан тусмол олиб кон қидира бошладик: ўтмиш асрларда ишлаган кончилар бўлган жойларнинг қуйироқдаги улар тегмаган горизонтлардаги тоғ жинсларида биз ҳамиша тилла рудаларини топяпмиз. Биз топган кон ҳам қадимги кон йўлларига қараб кашф этилди.

Тошкентдалигимда Кўчбулоқдаги ўтмиш асрлар конларини тадқиқ этган археолог Е. Пругер Кўчбулоқ Ўзбекистон территориясидаги энг қадимги тилла конларидир, деб айтган эди менга. Аждодларимиз бу ерда дастлабки конларни милоддан илгариги 1 асрда қазишган. Қадимги кончилар Кўчбулоқ тилла конидан вақти-вақти билан XII асргача руда қазиб олганлар.

Энди Кўчбулоқнинг келажагига назар ташлайлик.

— Экономика нуқтаи назаридан Кўчбулоқ конини ўзлаштиришнинг фойдаси жуда катта, — деди Шарқий Қурама геология-разведка экспедициясининг бошлиғи Фозил Орипов. Кон саноат жиҳатидан ривожланган районда жойлашганлигини назарда тутмоқ керак. Дастлаб мана шу истиқболли конни ўзлаштириш учун саралаш фабрикаси қуриш эҳтиёжи бўлмайди — бу ердан қазиб олинган бутун руда мис эритиш заводларига юборилиб, у ерда флюс сифатида ишлатилади. Ҳом ашёдан комплекс фойдаланиш туфайли чиқадиган тилланинг таннархи анчагина арзонлашади.

Тошкент яқинидаги тилла руда районининг истиқболи тўғрисидаги охирги саволни Ўзбекистон ССР Геология министри, Ленин мукофотининг лауреати Ҳ. Тўлаганова берди.

— Сўнгги кашфиётлар туфайли бу районнинг келажаги жуда порлоқ бўлади, — деди Ҳабибулла Тўлаганович. — Ҳозир бу ерда Ўзбекистон иккинчи тилла қазиш марказига асос солинмоқда. Энди бу ерда мис, қўрғошин, рух, кўмирдан ташқари тилла ҳам қазиб олинадиган бўлади.

Бошқа тилла конларини очиш нишоналари ҳам кўзга ташланмоқда.

Ҳали география карталарида Кўчбулоқ посёлкаси йўқ. Лекин геологларнинг илҳомбахш меҳнати туфайли вужудга келган бу тузатиш тез орада карталарга тушрилажак.

А. ЕРШОВ.
(ЎзТАГ мухбири).



Суратда: Ўрта Осиё геология ва минерал хом ашё илмий-тадқиқот институтининг лабораториясида тоғ жинсларини бурғилашни тезлаштирадиган янги асбоб яратилди. Старший инженер В. Мишченко (чапда) ва техник-геолог П. Кузнецов лабораторияда иш устида.

В. Сироткин ва И. Глауберзон фотоси.

ЯНГИ ТОШКЕНТНИ БУНЁД ЭТАМИЗ

Луганск қурилиш поездининг бинокорлари шаҳар марказида кўп қаватли уйлар қуришяпти. Улардан дастлабкиси май ойигача қўлдан чиқарилади. Суратда: шу қурилиш поездининг бир гуруҳ ишт терувчилари.

А. Тўраев фотоси.

ЯНГИ КВАРТАЛ

Олой бозорининг рўпарасида Свердлов қурилиш поезди бинокорлари тез тўкиб меҳнат қилмоқдалар. Бу ерда улар янги турар-жой квартали бунёд этмоқдалар. Айниқса ҳозир Б. Сбруев бошлиқ участка қурувчилари ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Улар йил давомида тўртта тўрт қаватли турар-жой қуриб бериш мажбуриятини олганлар. Ҳозир бинолар пойдеворини қўйиш бошланган. Ҳадемай ишт терувчилар ҳам ишга тушиб кетадилар.

Пойдевор қўйиш ишларида А. Пермяков бошлиқ комплекс бригада аъзолари олдинда бормоқдалар. А. Карпов, А. Алексеев, В. Казанцев каби бетончилар кунлик нормаларини ортиғи билан адо этмоқдалар. Яқин ойлар ичида зилзиладан вайрон бўлган пастак иморатлар устида 40 квартирали бинолар кўкка бўй чўзади. Улар 9 балли зилзилани ҳам писанд қилмайди.

Н. ҚОДИРОВ.

ҲАМИША СОҒ БЎЛИНГ!

Биз врачларнинг ниятимиз ана шундай. Касалхонамизнинг ишчи-хизматчилари шу мақсад йўлида меҳнат қилиб келмоқдалар.

Хабарингиз бўлса керак, илгари касалхонамиз Лабзак кўчасида жойлашган эди. Лекин ўтган йилги даҳшатли зилзила биномизни яроқсиз ҳолга келтирди. Ҳукуматимизга мингдан-минг раҳмат. Дарҳол бизнинг ихтиёримизга Чиғатой дам олиш уйи бўшатиб берилди.

Мана, бу ерга кўчиб келганимизга яқинда бир йил тўлади, шу вақт ичида бизда қандай тадбирлар амалга оширилди? Дастлаб дам олиш уйини касалхонага мослаштириш йўлида иш олиб бордик. Ана шу мақсадда коллективимизнинг барча ишчи-хизматчилари бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилдилар.

Янгидан қозон, қир ювиш цехлари қурилди. Бўлимлар жойлаштирилган барча бинолар капитал ремонтдан чиқарилди. Операция коналари беморларни қабул қилиш, уларни обдон текширишга мослаштирилиб, ҳозирги замон медицина асбоб-ускуналари билан жиҳозланди. Ошхона учун янги бино қурилиши ҳам тугалланди.

Касалхонамиз ихтиёрида анчагина майдонни эгаллаган боғзор бор. Баҳор келиши билан боғбонларимиз ишни қизитиб юборадилар. Боғбон Восиқ Абдуқодировнинг қўли-қўлига тегмайди шу кунларда. Олма ва бошқа мевали дарахтлардан касалхонамиз эҳтиёжига етарли ҳосил олиш ниятида парвариш ишларига зўр берилмоқда.

Шунингдек ободонлаштиришга ҳам катта эътибор берилмоқда. Хиёбонларга, йўл чеккаларига гул ва мевали дарахт кўчатлари экилди. Бир сўз билан айтганда бу ерга даво истаб келувчи беморларнинг кўнгил очиб, шифоланиб қайтишлари учун ҳамма имкониятлар яратишга ҳаракат қилмоқдамиз.

Касалхонамизда хирургия, нерв, кўз, қулоқ-томоқ-бурун, ички касалликлар бўлимлари бор. Бу бўлимларнинг ишчи-хизматчилари даволаниш учун келганларнинг дардига мумкин қадар тезроқ даво топиш йўлида ўз маҳоратларини ишга солмоқдалар. Айтиш мумкинки, бу соҳада яхши натижаларга эришилмоқда. Ленин орденли врач терапевт Раҳима Жалилова, бўлим бошлиқларидан Кашифа Аҳмедова, Нурҳақ Ҳолиқов, ҳамшираларимиздан Тамара Овсянникова, Муслима Абдумавлонова, Авлиё Гиёзова ва бошқалар айниқса, кўлчиликнинг иззат-ҳурматига сазовор бўлмоқдалар.

Бизда амалга оширилаётган тадбирлар қисқача ана шулардан иборат. Ҳамма нарса — фикримиз-зикримиз сиз азизларимизнинг соғ-саломат бўлишингизга қаратилган. Ҳамиша соғ бўлинг, биродарлар.

С. МУРОДОВ,
10-шаҳар касалхонасининг бош врачи.

БЕҲИСОБ ТАДҚИҚОТ

Тўйга тўёна билан бориш эдимиз одати. Бугун геологлар кунига геолог олимлар ҳам ижодий меҳнат армуғонлари ҳозирладилар. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ҳ. М. Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институтининг сергайрат геологлари ҳам ўзларининг бу кунги мушарраф байрамларини илмдаги янги ютуқлар ва республикамиз фойдали қазилмаларини очишда қилган самарали меҳнатлари билан кутиб олдилар.

Ўтган бир йил ичида институтимиз илмий ходимлари Тошкентда юз берган табиий офат билан боғлиқ темаларда анчагина тадқиқот ишларини амалга оширдилар. Тошкентнинг сейсмик зоналари аниқланди. Соҳ сув ҳавзаси атроф ерларнинг зилзилага бардошлиги ўрганилди. Қизилқум саҳроларидаги асосли ва ультраасосли тоғ жинслари текширилиб, уларнинг руда сақлаш хоссалари ҳартомонлама ҳисобга олинди. Геологик ва биокимёвий илмий-тадқиқотлар натижаси ўлароқ Жанубий Ўзбекистоннинг геологик тузилиши ва уларда турли рудаларнинг ўсраши ҳақида янги маълумотлар тўпланди. Синчиклаб қилинган минералогик анализлар туфайли Қорамозор тоғлари остида (Олмалиқда) 200—250 метр қалинликка эга бўлган чўкинди сульфат жинслари — гипс ва ангидрид қатламлари топилди.

Институтимизда ўтган йиллар давомида ташкил этилган ва ҳозирда равнақ топаётган математикани геологияда қўллаш усуллари яхши натижалар бермоқда. Катта назарий аҳамиятга эга бўлган алюминий метали учун хомашё ҳисобланган алунитларнинг пайдо бўлиши ҳақида назария яратилди. Ўзбекистон жанубида жойлашган 400—700 метрли туз қатламларининг таркибида халқ хўжалиги учун зарур элементлар топилди ва туз қатламларининг келиб чиқиш жараёнларининг тадрижий такомили очиб берилди.

Қизилқум саҳросида Мурунтоғ олтин кони Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси, И. Ҳамробоевнинг илмий кузатишлари маҳсулоти сифатида дунёга танилди. Бундан ташқари бошқа илмий ходимлар Чотқол ва Қурама тоғларида янги олтин ишончларини топишга муваффақ бўлдилар. Ҳозирда бу соҳада ги ишлар давом эттирилмоқда.

Биокимёвий усуллар натижаси ўлароқ Томдитоғнинг шимолий қисмларида олтин, қўрғошин, рух ва бошқа элементларнинг тарқалганлиги аниқланди. Гилмояпар устида олиб борилган тадқиқот ишлари Жанубий Фарғона водисида уларнинг кенг тарқалганлигини ва қалинлиги 200 метрдан ошиқ экانлигини исботлаб берди. Натижада Чимёён гилмояларидан енгил бетонга қўшиладиган керамзит олиш мумкинлиги исботланди. Шўрсув гилмояларидан пармалаш қудуқлари учун лойқаэритма сифатида фойдаланиш имкони борлиги очиб берилди. Ўзбекистондаги Зарафшон тоғлари музликларининг режими ва уларнинг оқардарё сувларига таъсири ўрганилди ҳамда бу соҳада ижобий таклифлар илгари сурилди.

Институтимизда ўтган йили бундан ташқари яна бир қатор муҳим илмий-тадқиқотларни ҳал этиш соҳасида самарали ишлар олиб борилди. Бу йил ҳам тадқиқотлар кенг кўламда давом эттирилади. Айниқса, янги кон қидирув усулларини излаб топишга, қадимий полеозой фундаментини ўрганишга катта аҳамият берилади.

Бунда асосий эътибор Ўрта Осиё ер қатламини «юқори мантия лойиҳаси» бўйича комплекс равишда ўрганишга қаратилгандир. Мантия деганимиз, ер қобиғи — чўкинди жинслар, гранит ва базальт остида 20—70 километр чуқурликда ётувчи ер қатламидир.

Кўпчилик геолог олимлар эътирофига кўра, ер қобиғининг устки қатламларида содир бўладиган даҳшатли зилзилалар, қўрқинчли вулқонлар, фойдали қазилмаларнинг пайдо бўлиши ва тарқалиши, тоғ ҳосил қилувчи кучлар ва бошқа кўпгина жараёнларнинг ҳозирги кундаги жумбоқларини ечиш учун ер қобиғи ва мантиянинг юқори қисмини ўрганиш лозим. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ва қардош республика геологлари ҳамкорликда Ўрта Осиёнинг жануби ва жануби-ғарбидан унинг шимоли ва шимоли-шарқига томон ўтган етти профиль асосида геофизик, сейсмик, геохимик, минералогик, металлогеник, петрографик, геоморфологик, неотектоник ва бошқа усуллар ёрдамида бир неча йиллар давомида мунтазам ва системали иш олиб борадилар. Бу мураккаб ва шарафли ишларни бошқариш республикамизнинг етакчи геолог олимлари зиммасига юклатилган. Бу вазифанинг муваффақиятли амалга оширилишига ишончимиз комил.

М. ЗОКИРОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ҳ. М. Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институтининг старший илмий ходими.

КАФЕДРА ТАЖРИБАЛАРИ

Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг химик олимлари деҳқончилик маданиятини ошириш билан боғлиқ темаларда бир неча тадқиқотларни амалга оширдилар. Бунда химия кафедрасининг ҳиссаси катта бўлди.

Кафедра олимлари микроэлементлар тупроқ унумдорлигини ошириши мумкинлигини исботладилар. Олий ўқув юртининг ўқув-тажриба хўжалигида олиб борилган кузатишларда ерга солинадиган микроэлементлар хоссалари ва уларнинг формаларини аниқлаш маълум бўлди.

Шу билан бирга далаларга ташиб чиқариладиган ўғитлар методикаси ҳам ишлаб чиқилди. Бу усул қўлланилганда ўғитлар исроф бўлмайди ва уларнинг сифати тўлалигича сақланиб қолади.

Кафедра олимлари тавсия этган бу илмий хулосалар деҳқонлар томонидан қизғин кутиб олинди. Бу йил институт ўқув-тажриба хўжалигида тажрибалар асосида иш тутилади.

ОБИҲАЁТ ИЗЛОВЧИЛАР

Ота-боболаримиз деҳқон ўтган. Бу ерда яшаган кишиларнинг ҳаёти, турмуши азалдан сув билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Сувни қўёш билан тупроқдек муқаддас ҳисоблашган улар, обиҳаёт деб аташган. Деҳқонларимиз қудуқ қазиб, канал очиб экин экишган. Ўзбекистон территориясида топилган каналларнинг излари, сув иншоотларининг қолдиқлари ана шундан далолат беради. Гидрогеология фанининг асослари ҳам ўша вақтларда юзага келган, десак янглишмаган бўламиз.

Совет ҳокимияти йилларида социалистик қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мобайнида бу фан мисли кўрилмаган даражада ривожланди. Негаки, ўлкада деҳқончиликни тараққий эттириш сунъий суғоришга, жумладан ерости сувларидан фойдаланишга боғлиқ эди.

Республикамизда гидрогеологиянинг ривожи аввало, рус олимларидан Ланге, Архангельский ва Решеткин номлари билан боғланган. Бу олимлар 1924 йилда Тошкентга келишди. Улар Ленин Декрети билан ташкил топган Туркистон давлат университетида гидрогеология ва инженерлик гидрогеологияси кафедрасини тузишди, мутахассис кадрлар тайёрлашни йўлга қўйишди. Орадан бир неча йил ўтгач, гидрогеологларнинг биринчи группаси ўқишни битириб, ишга йўлланма олди.

Йиллар ўтган сайин улар сафи тобора янги кадрлар билан тўлиб борди. Ўзбеклар орасидан ҳам кўплаб гидрогеологлар ва инженер-гидрогеологлар етиштирилди. Улар ўлкамизда мавжуд бўлган ерости сув ресурсларини ўрганиш ва халқ хўжалиги хизматига қўйиш соҳасида озмунча ишларни амалга оширмадилар. Гидрогеологик тадқиқот ишлари айниқса урушдан кейинги йилларда кенгайтирилди. Шаҳар ва саноат объектларини сув билан таъминлаш манбаларини разведка қилиш, чўлларга сув чиқариш ҳамда ирригация иншоотлари қуриш билан боғлиқ бўлган текшириш ишлари катта миқёсларда олиб борилди. Республикамизнинг Мирзачўл, Қизилқум ва Амударё ёнбағирлари сингари улкан территорияларда гидрогеология экспедициялари томонидан йирик тадқиқотлар амалга оширилди. Шу йиллари Ўзбекистоннинг бепоён чўлларида сув манбалари аниқланди, илгари сувсиз ҳисобланган катта майдонларда 15 га яқин артезиан ҳавзалар топилди.

Республикамизда гидрогеология ишлари кейинги ўн йил ичида мисли кўрилмаган даражада ривожлантирилди. 1957 йилда гидрогеология экспедицияси ва қатор ташкилотлар базасида Ўзбекистон гидрогеология трести ташкил қилинди.

Эндиликда ана шу трест коллективи республикамиз халқ хўжалигининг турли соҳаларини тараққий эттириш учун зарур бўлган гидрогеология, инженерлик гидрогеологияси ҳамда геофизика тадқиқотларини кенг кўламда бажаряпти. Бунда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган тадқиқотлар айниқса катта ўрин эгаллаётир. Трест бажараётган иш ҳажми йил сайин ўсиб бормоқда. Ўтган йили гидрогеология трести 6,35 миллион сўмлик иш бажарди. Ана шу маблағнинг 50—70 проценти қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сарфланди.

Худди шу йиллари янгидан ўзлаштириладиган ерларнинг суғориш лойиҳаларини асослаб берувчи инженерлик геология текширишлари амалга оширилди. Сурхондарё, Марказий Фарғона, Қарши ва Мирзачўлдаги жами 23 минг квадрат километр майдонда шундай ишлар ўтказилди. Шунингдек, мелиорация ишлари олиб борилиши лозим бўлган ламмикор ерлар ҳам ўрганилди.

Ер ости сув ҳавзаларини разведка қилиш ва фойдаланиш мумкин бўлган запасларни аниқлаш борасида тадқиқотлар ўтказиш трест коллективининг ишида муҳим ўрин тутади. Бу борада Мингбулоқ, Қоракат, Нурота ва бошқа участкаларда ер ости сув ҳавзалари разведка қилинди. Шунингдек, республикамизнинг суғориладиган зоналарида йирик ер ости сув манбалари аниқланди ва суғориш учун яроқли сув запаслари ҳисоблаб чиқилди. Бундай ишлар асосан Оҳангарон дарёси атрофларида, Фарғона ва Бухоро водиларида ўтказилди. Бундан ташқари, республикамиз қишлоқларини сув билан таъминлашни янада яхшилашга қаратилган тадқиқот ишлари ҳам олиб борилди.

Шу кунларда обиҳаёт изловчилар Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги шарафига меҳнат вахтасида туриб ишламоқдалар. Бу йил Шеробод чўли ва Мирзачўлнинг Жанубий қисмини суғорувчи объектларда гидрогеология ишлари тўла тугалланади. Шунингдек, улар Тошкент, Чирчиқ, Гулистон, Андижон шаҳарларини сув билан таъминлаш мақсадларида ер ости сувларининг запасларини қидиришни тугаллаш мажбуриятини олишган.

Республикамиз гидрогеологлари янги беш йилликда қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва мелиорациялашнинг партия ва ҳукуматимиз белгилаб берган кенг программасини амалга оширишга ҳисса қўшишлари керак. Улар шу вазифаларни бундан буён ҳам тўла-тўкис бажариш учун ўз куч-ғайратларини аямайдилар. Гидрогеологлар ҳамиша йўлда, ҳамиша изланишда.

И. СУЛТОНОВ.

Совет Иттифоқи Маршали Родион Яковлевич МАЛИНОВСКИЙ

КПСС Марказий Комитети аъзоси, СССР Олий Совети депутати, иккі марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР Мудофаа министри, Совет Иттифоқи Маршали Родион Яковлевич Малиновский узоқ давом этган оғир касалликдан сўнг, 1967 йил 31 мартда 69 ёшида Москвада вафот этди.

Совет халқи, армия ва флот жангчилари Р. Я. Малиновский сиймосида таниқли давлат арбобидан, СССР Қуролли Кучлари актив қурувчиларининг биридан, ўзининг бутун умрини социалистик давлат мудофаа қудратини мустаҳкамлаш ва уни ҳимоя қилиш ишига бағишлаган атоқли совет саркардасидан, 1926 йилдан бери ўзи аъзо бўлиб келган Коммунистик партиянинг содиқ фарзандидан жудо бўлдилар.

Р. Я. Малиновский 1898 йилда Одесса шаҳрида туғилди. У ўсмирлик чоғидаёқ помешчик қўлида батрак бўлиб, мустақил меҳнат ҳаётини бошлади. Биринчи жаҳон уруши йилларида солдатликка олиниб, жангларда қатнашди ва икки марта ярадор бўлди. Февраль революцияси кунларида Р. Я. Малиновский революцион солдатлар оммаси сафига қўшилади. Улуғ Октябрь социалистик революциясидан сўнг, у кўнгилли равишда Қизил Армияга киради ва солдатдан Совет Иттифоқининг Маршалига қадар шонли жанговар йўлни босиб ўтди.

Родион Яковлевич — гражданлар урушининг актив иштирокчисидир. Урушдан кейинги даврда у Совет Армиясини қуришга ва мустаҳкамлашга кўп куч ва ғайрат сарфлади.

1937—1938 йилларда Р. Я. Малиновский республикачилар Испаниясида фашизмга қарши жанг қилган коммунист-интернационалист жангчиларнинг биринчи сафларида бўлди.

Родион Яковлевич чуқур ҳарбий билимларга, катта ҳарбий тажрибага, ғоят зўр ташкилотчилик қобилиятларига ва ёрқин саркардалик талантига эга бўлган киши эди. Улуғ Ватан уруши йилларида, корпус командири, армия қўмондони ҳамда жанубий, ғарби-жанубий, иккинчи ва учинчи Украина фронт қўшинлари қўмондони лавозимларида ишлаган чоғида унинг бу ажойиб фазилатлари алоҳида куч билан намоён бўлди. У бир қанча йирик ҳарбий операцияларни ишлаб чиқишда ва амалга оширишда, шу жумладан Сталинград ва Ростов остоналарида, Донбасс, Украинанинг жануб районларида, Молдавияда фашист қўшинларини тор-мор келтиришда, шунингдек Руминия, Венгрия, Чехословакия ва Австрияни озод қилишда бевосита қатнашиб, ўзининг атоқли саркарда эканлигини кўрсатди.

1945 йил августида Р. Я. Малиновский қўмондонлигидаги Забайкал фронтининг қўшинлари бошқа фронтлар билан биргаликда империалистик Японияннинг Квантун армиясига қақшатгич зарба берди.

Улуғ Ватан уруши тугагач, Р. Я. Малиновский Совет Қуролли Кучларида бир қанча масъулиятли лавозимларда ишлади. Узоқ Шарқдаги қўшинларнинг бош қўмондони, қуруқликдаги қўшинларнинг бош қўмондони ва СССР Мудофаа министрининг биринчи ўринбосари бўлди. 1957 йил октябрида у СССР Мудофаа министри қилиб тайинланади ва умрининг охиригача ана шу масъулиятли давлат лавозимида ишлаб келди.

Р. Я. Малиновский армия ва флотни ташкил этиш ва қуроллантиришни такомиллаштиришга, уларнинг шахсий составини ўқитиш ва тарбиялаш ишига, совет ҳарбий фанини ривожлантиришга катта ҳисса қўшди.

У, Совет Қуролли Кучларининг қардош социалистик мамлакатлар армиялари билан жанговар ҳамдўстлигини мустаҳкамлаш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиб келди.

Р. Я. Малиновскийнинг бутун ҳаёти ва жўшқин фаолияти — Ватанимизга, Коммунистик партия ишига садоқат билан фидокорона хизмат қилишнинг ёрқин намунасидир. Унинг юксак партиявий фазилатлари, ўзига талабчанлиги, олий ҳиммат ва камтарлиги, сезгирлиги ва одамларга меҳрибонлиги туфайли у меҳнаткашлар ва Қуролли Кучларнинг жангчилари ўртасида зўр ҳурмат қозонди.

Р. Я. Малиновский партия ва ижтимоий-сиёсий ишларда актив қатнашди. КПСС XIX съездида КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат қилиб, партия XX, XXII ва XXIII съездларида КПСС Марказий Комитетининг аъзоси қилиб сайланди. III, IV, V, VI ва VII чақириқ СССР Олий Советининг депутати бўлди.

Ватан олдидаги жуда катта хизматлари учун унга икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди. У Ғалаба ордени билан, беш марта Ленин ордени билан, уч марта Қизил Байроқ ордени билан, икки марта 1 даражали Суворов ордени билан, I даражали Кутузов ордени ва медаллар билан мукофотланди. Р. Я. Малиновскийнинг хизматлари социалистик мамлакатлар ҳамда бошқа давлатларнинг кўпгина орден ва медаллари билан ҳам тақдирланган.

Жанговар ўртоғимиз, Коммунистик партия ва Совет халқининг содиқ фарзанди, социалистик Ватаннинг оташин ватанпарвари, таниқли давлат ва ҳарбий арбоб — Родион Яковлевич Малиновскийнинг порлоқ хотираси қалбларимизда абадий сақланажак.

Л. И. БРЕЖНЕВ, Г. И. ВОРОНОВ, А. П. КИРИЛЕНКО, А. Н. КОСИГИН, К. Т. МАЗУРОВ, А. Я. ПЕЛЬШЕ, Н. В. ПОДГОРНИЙ, Д. С. ПОЛЯНСКИЙ, М. А. СУСЛОВ, А. Н. ШЕЛЕПИН, П. Е. ШЕЛЕСТ, В. В. ГРИШИН, П. Н. ДЕМИЧЕВ, Д. А. КУНАЕВ, П. М. МАШЕРОВ, В. П. МЖАВАНАДЗЕ, Ш. Р. РАШИДОВ, Д. Ф. УСТИНОВ, В. В. ШЧЕРБИЦКИЙ, Ю. В. АНДРОПОВ, И. В. КАПИТОНОВ, Ф. Д. КУЛАКОВ, Б. Н. ПОНОМАРЕВ, М. С. СОЛОМЕНЦЕВ, Л. В. СМИРНОВ, А. А. ГРЕЧКО, М. В. ЗАХАРОВ, А. А. ЕПИШЕВ, Н. И. КРИЛОВ, К. А. ВЕРШИНИН, С. Г. ГОРШКОВ, И. Х. БАГРАМЯН, К. С. МОСКАЛЕНКО, С. М. БУДЕННИЙ, К. Е. ВОРОШИЛОВ, А. М. ВАСИЛЕВСКИЙ, Ф. И. ГОЛИКОВ, А. И. ЕРЕМЕНКО, Г. К. ЖУКОВ, И. С. КОНЕВ, К. А. МЕРЕЦКОВ, К. К. РОКОССОВСКИЙ, В. Д. СОКОЛОВСКИЙ, С. К. ТИМОШЕНКО, В. И. ЧУЙКОВ, П. Ф. БАТИЦКИЙ, В. А. ПЕНЬКОВСКИЙ, А. Н. КОМАРОВСКИЙ, А. Х. БАБАДЖАНЯН, А. П. БЕЛОБОРОДОВ, Г. В. БАКЛАНОВ, П. А. БЕЛИК, А. А. ЕГОРОВСКИЙ, С. П. ИВАНОВ, П. К. КОШЕВОЙ, П. Н. ЛАШЧЕНКО, Н. Г. ЛЯШЧЕНКО, С. С. МАРЯХИН, И. А. ПЛИЕВ, И. Г. ПАВЛОВСКИЙ, Н. В. ОГАРКОВ, К. И. ПРОВАЛОВ, С. Л. СОКОЛОВ, А. Т. СТУЧЕНКО, Г. И. ХЕТАГУРОВ, И. И. ЯКУБОВСКИЙ, В. В. ОКУНЕВ, Ф. А. ОЛИФИРОВ, Н. Н. АМЕЛЬКО, С. М. ЛОБОВ, В. В. МИХАЙЛИН, С. Е. ЧУРСИН, Н. Г. ЕГОРИЧЕВ, М. П. ГЕОРГАДЗЕ.

СССР МУДОФАА МИНИСТРИ, СОВЕТ ИТТИФОҚИ МАРШАЛИ Р. Я. МАЛИНОВСКИЙНИНГ КАСАЛИ ВА ВАФОТИНИНГ САБАБИ ТЎҒРИСИДА МЕДИЦИНА ХУЛОСАСИ

Ўртоқ Р. Я. Малиновский оғир касалликка — ошқозон бези иллатли шишининг суякка, жигарга ва бошқа органларга тарқалиб кетиши касаллигига мубтало бўлган эди.

Ўтказилган даволашларга қарамай, унинг аҳволи узлуксиз ёмонлашиб борди ва у 1967 йил 31 мартда вафот этди.

Патологик-анатомик тадқиқотлар натижасида ошқозон ости безининг тарқалиб кетганлиги аниқланди.

СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ҳузуридаги IV бош бошқармасининг бошлиғи, медицина Фанлари академиясининг корреспондент аъзоси, профессор

Е. И. ЧАЗОВ.

СССР Мудофаа министрлиги марказий ҳарбий медицина бошқармасининг бошлиғи, медицина хизмати генерал-лейтенанти

Д. Д. КУВШИНСКИЙ.

Медицина Фанлари академиясининг ҳақиқий аъзоси, профессор

Н. Н. БЛОХИН.

Медицина Фанлари академиясининг ҳақиқий аъзоси, профессор

А. А. ВИШНЕВСКИЙ.

Медицина Фанлари академиясининг ҳақиқий аъзоси, профессор

А. И. СТРУКОВ.

Профессор **В. С. МАЯТ.**

Даволовчи врач, медицина хизмати полковниги

Л. Я. КАБАНОВ.

Патологик-анатомия бўлимининг мудири, медицина фанлари кандидати **Н. П. ВОШЧАНОВА.**

КЎЧАТ ЭК, БОҒ ҚИЛ!

БОҒДОРЧИЛИК — ЕТАКЧИ ТАРМОҚ

Боғ — ўлкамизнинг ҳусни. Кўчат экиб, боғ яратиш ота-боболаримизнинг асл удуми. Деҳқон баҳор пайтларида ҳеч бўлмаса бир туп кўчат ўтқазмаса, кўнгли жойига тушмайди. Яқинда ўста соҳибкор Ризамат ота Мусамуҳамедовнинг газетада босилган мурожаатини ўқиб турибсиз, бундан 16 йил муқаддам бўлган бир воқеа эсимга тушиб кетди.

Яхши иш, фойдали суҳбат узоқ вақт киши хотирасидан ўчмас экан. Ўшанда боғдорчилик хўжалигимизнинг қолоқ соҳаларидан ҳисобланар эди. Ҳосилдорлик жуда пасайиб кетган бўлиб, гектаридан аранг 15 центнердан узум олинарди. Октябрь ойининг ўрталари — ток кесиш, кўмиш пайти эди. Ризамат ота колхозимизга меҳмон бўлиб келдилар. Биз мевачилик ва узумчиликни юксалтириш, уни етакчи тармоқларимиздан бирига айлантиришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганлигимизни у кишига айтдик. Шунда отахон соҳибкор маъноли жилмайиб, бизнинг шароитимиз боғдорчиликни ривожлантириш учун жуда қулай эканлигини айтди. Унинг маслаҳати билан бўш ётган Култепа участкасида янги боғ қилишга киришдик.

Ҳозирги вақтга келиб, ана шу участкада 70 гектар майдонда узумзор, 64 гектарда мевазор, 3 гектарда эса анор-анжирзор барпо бўлди. Олдинги Култепа эндиликда Гултепага айланди. Бу ерга айниқса ёз пайтларида келган киши асти қайтиб кетгиси келмайди. Ризамат отанинг бир калима сўзи ва колхозчиларнинг яратувчилик меҳнати билан ана шундай гўзал боғ вужудга келди.

Ҳосилдорлик ҳам муттасил кўтарилиб бормоқда. Етиштирилаётган мева ва узумнинг нави яхшиланиб, тури кўпаяяпти. Олдинги йиллардаги муваффақиятларимиз тўғрисида гапирмай қўяқолай. Мисол учун бултурги йилни олайлик. Ҳар гектар узумзордан ўртача 86,7 центнердан ҳосил олинди. Давлат планини 150 процентдан ошириб бажардик. Боғдорчиликдан мўлжалдаги 332 минг сўм ўрнига 403 минг сўмдан кўпроқ даромад қилинди. Бу илгариги йилдагига қараганда 89 минг сўм кўп демакдир. Бир центнер узум етиштириш учун бурноғ йилгига нисбатан 1,5 сўм кам маблағ сарфланди, яъни таннарх 16 сўм 93 тийинга тўғри келди. Боғдорчиликнинг даромади хўжалигимиз умумий даромадининг қарийб ярмини ташкил этаяпти.

Узум ҳосилдорлигини гектар бошига 100—120 центнерга етказган Маъмур Тўлаев, Илҳом Эргашев, Абдуворид Каримов ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг аъзолари ҳаммадан ҳам кўп даромад олдилар.

Ҳосилдорликни ошириш, даромадни кўпайтириш билан бирга мевазор ва узумзорларни йил сайин кенгайтириб бораяпмиз. Ҳозир 343 гектар узумзор, 167 гектар олмазор ва 20 гектар шофтолизорга эгамиз. Бундан ташқари 7 гектар олхўризоримиз, 4 гектар ёнғоқзоримиз, 5 гектар ноксоримиз ва 24 гектар анор-анжирзоримиз бор.

Бу боғларга асосан механизмлар билан ишлов берилаётир. Қатор ораларини ҳайдаш учун доимий трактор ва тракторчилар биркитиб қўйилган. Маълумки, бизнинг шароитда ёзда сув анча танқис бўлади. Шунга қарамай, мавжуд моддий-техника ресурсларидан унумли фойдаланиб, илгари бўм-бўш ётган Номанак, Қўрсой участкаларини ҳам боғу бўстонга айлантирдик. Бу участкаларда етиштирилаётган ноз-неъматлар ширалиги жиҳатидан юксак баҳоланмоқда. Ҳозир бизда узумнинг «баян ширин», «шивилгони», «мускат», «маскоп», «кўзаки», оқ ва қизил «чиллаки», «эчкиэмар», «катта қўрғон», «паркентская роза» сингари бир неча хил навлари етиштирилмоқда.

Колхозимиз соҳибкорлари узумчилик ва мевачиликни янада ривожлантириш йўлида Ризамат отанинг: **«Эл пуфласа — бўрон кўтарилади. Келинглар, қўплашиб она диёримизни боғ республикасига айлантирайлик! Ҳар ким бир жуфтдан кўчат ўтқазса ҳам неча минг гектарлаб боғ бўлади»** деб, юрақдан айтган сўзларига қўшилиб, шу баҳорнинг ўзида 10 гектар узумзор, 10 гектар олмазор, 2 гектар беҳизор, 5 гектар тутзор бунёд этишга аҳд қилдилар.

Шу кунларда сифатли тайёрлаб қўйилган ерларга кўчат ўтқазяпмиз. Бундан ташқари 10 гектар ердаги токни шипанелга кўтариш ниятида устунчалар қўмиш учун чуқурчалар қазиляпти. Мева дарахтларининг ярмидан кўпроғига шакл берилди. Узумзорлар 2 марта яхоб сувига қондирилди. Мева боғларига ҳам сидирга сув қўйилди.

Боғ ишларини кун сайин кизитаяпмиз. Боғбонларимиз юбилей йилида давлатга 1400 тонага яқин узум ва кўплаб мева сотиш иштиёқи билан меҳнат қилиляпти. Тажрибали сохибкорларимиздан Маҳмуд Тўрабоев, Эргаш Абдураҳмонов, Мирҳайит Ҳайдаров сингари отахонлар дарахтларга шакл бериш, кўчат ўтқазиш, 70 гектарлик олмазор, узумзорларнинг хатосига экишда ташаббус кўрсатиб ишламоқдалар. Узум ҳосилдорлигини 90 центнерга, меваникини эса 40—50 центнерга етказиш, маҳсулот таннархини янада арзонлаштириш, яхшилар изидан бориб, хўжалигимизда боғдорчиликни тағин ҳам равнақ топтириш миришкор боғбонларимизнинг асл ниятларидир.

Эркабой ҲУСАНОВ.
Юқори Чирчиқ районидаги «Гулистон» колхозининг боғдорчилик агрономи.

С. АЗИМОВ: КОНФЕРЕНЦИЯ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТДИ

БАЙРУТ. 1 апрель. (ТАСС). Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг учинчи конференциясида қатнашган совет делегациясининг бошлиғи, Ўзбекистон ССР Ташқи ишлар министри С. Азимов қуйидагиларни айтди: «Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг Байрутда ўтказилган учинчи конференцияси ишида қатнашган совет ёзувчилари конференция ғоят муваффақиятли ўтди ва ўз олдида турган вазифаларни бажарди, деб ҳисоблайдилар».

С. Азимов бугун бу ерда маҳаллий журналистлар учун уюштирилган матбуот конференциясида ана шу гапларни айтди. У, Байрут конференцияси ваколатли конференция бўлганлигини таъкидлади ва бу ҳол ёзувчиларнинг икки қитъа маданият арбоблари бирдамлигини мустаҳкамлашдан ғоят манфаатдор эканлигини исбот қилади, деб ҳисоблади.

Конференцияда, деди Азимов, Осиё ва Африкадаги қарийб 50 мамлакатнинг ёзувчилари қатнашди. Конференцияда ёзувчилар ижодий мавзуларда гаплашиб олдилар, замонамизнинг энг муҳим сиёсий масалалари ўртага қўйилди. Конференциянинг иши учун шу нарса характерли бўлдики, унинг қатнашчилари Осиё ва Африка халқларининг мустамлакачиликка ҳамда империализмга қарши, порлоқ истиқбол учун олиб бораётган курашида ёзувчининг ролига яқдиллик билан бир хил баҳо беришди.

Совет делегациясининг раҳбари яна қуйидагиларни айтди: конференция қабул қилган муҳим ҳужжатларни конференциянинг барча қатнашчилари яқдиллик билан маъқуллаганлиги, делегациялар орасида муҳокама этилган бир қанча проблемалар юзасидан жиддий ихтилофлар рўй берди, деган ўйдирма гапларни тамомила рад этади. Бутун совет халқи ва совет адиблари ҳам, деб ўқтириб ўтди Азимов, тарихий сана — Улуғ Октябрнинг 50 йиллигига тантанали равишда тайёргарлик кўрганлари ҳолда Осиё ва Африкадаги ҳамда жаҳоннинг бошқа мамлакатларидаги ёзувчилар ва халқлар билан ижодий ҳамкорлик ва дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш ва янада ривожлантиришга интилмоқдалар.

С. Азимов сўзининг охирида бундай деди: «Биз конференция ишидан ғоят мамнун бўлдик. Эндиликда бизнинг олдимизда конференция қарорларини амалга ошириш соҳасида катта вазифалар турибди».

ЁЗУВЧИЛАРНИНГ БАЙРУТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ РЕЗОЛЮЦИЯЛАРИ

БАЙРУТ. Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг бу ерда ўз ишини тамомлаган конференцияси Осиё ва Африкадаги айрим мамлакатларга бағишланган бир қанча резолюциялар қабул қилди. Улар орасида — Араблар бирлиги, Кипр тўғрисидаги, Арабистон ярим оролидаги аҳвол тўғрисида, Камерун тўғрисида, Португалиянинг Африкадаги мустамлакалари халқларининг озодлик кураши тўғрисида ва бошқа резолюциялар бор.

Араблар бирлиги резолюциясида араб халқларининг бирликка бўлган интилишлари қўллаб-қувватланади ва ана шу бирлик душманлари — мустамлакачилик, араб реакцияси ва империализм қораланади.

Кипр тўғрисидаги резолюцияда Кипр халқи олиб бораётган миллий озодлик кураши ва унинг чет эл ҳарбий базаларини тугатиш, ҳақиқий мустақиллик ва ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш ҳуқуқи берилиши тўғрисидаги ҳаққоний талаблари тўла қўллаб-қувватланади.

Португалия мустамлакачилари тўғрисидаги резолюцияда конференция Африка маданияти дурдоналарини инкор этаётган португал мустамлакачиларининг ҳатти-ҳаракатларини кескин қоралайди. Конференция қатнашчилари Португалия мустамлакалари ёзувчилари ва мустамлакачи фашист репрессияларнинг қурбонлари бўлган барча ватанпарварлари билан қардошларча бирдамлик изҳор қиладилар. (ТАСС).

ЛЕНИН МУКОФОТИ МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИГА

БАМАКО. Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун халқаро Ленин мукофоти болаларнинг соғлиғини сақлаш манфаатларига хизмат қилмоқда. Мали пойтахтида полиомелит билан курашувчи мутахассисларни қайтадан тайёрлаш маркази ана шу шиор остида очилди. Халқаро Ленин мукофоти 1963 йилда Мали президенти Модибо Кейтага берилган эди. Президент мукофотга берилган ҳамма пулни ана шу марказни вужудга келтириш ва жиҳозлаш учун сарф қилиш тўғрисида республика банкига фармойиш берди.

Ҳозир бу ерда касал болаларни қабул қилиш кабинетлари, физкультура зали, сузиш ҳавзаси бор. Совет Иттифоқи ва Гаитидан келган икки врач беморларни даволамоқда.

ХИТОЙ ЁЗУВЧИЛАРИ ТАЪҚИБ ЭТИЛМОҚДА

ПЕКИН, 31 март. (ТАСС). Пекинда «адабиёт ва санъат соҳасида контрреволюцион ревизионистик йўлни тамомила тор-мор келтиришга даъват этган жуда кўп шиорлар пайдо бўлиб қолди. Бу шиорларнинг кўпи бевосита Хитой ёзувчилар союзи раисининг ўринбосари ва шу союз партия ташкилотининг секретари Лю Бай-Юйга қарши қаратилган.

Хитой ёзувчилар союзидаги цзаофанлар газетаси «Вэнь-суюэ чжаньбао»нинг 30 мартда чиққан бутун бир сони Хитойнинг мана шу машҳур ёзувчисига ҳужум қилишга бағишланган. Бу газета Хитойнинг бошқа бир машҳур ёзувчиси Шао Цюань-Линни ҳам кескин танқид қилади. Газетанинг ёзишича, Лю Бай-Юй ва Шао Цюань Лин раис Маонинг адабиёт ва санъат соҳасидаги йўлига қаршилик кўрсатганлар.



Собиқ фашист концентрацион лагери Освенцим-Биркенау территориясида апрель ойида гитлерчилар қийноғида ҳалок бўлганлар хотирасини абадийлаштириш ёдгорлиги очилади. Ёдгорлик авторлари Польша ва Италия архитекторларидир. Суратда: ёдгорлик фрагменти.
ПАФ-ТАСС фотоси.

ОЛАМ ЯНГИЛИКЛАРИ

РУР ШАХТЁРЛАРИ БОШИГА ТУШГАН КУЛФАТ

БОНН. Рурдаги яна бир йирик тошкўмир корхонаси—Ботропдаги «Меллер—рейн—бабен» шахтаси ёпилди. Шу билан бирга бу райондаги бир неча кокс заводларида ҳам маҳсулот ишлаб чиқариш тўхтатилди. Шахта ёпилиши натижасида 3.200 киши ишдан маҳрум бўлиб қолди. Шахтерлар шаҳри Ботропда кўмир сотиш тангликка учраганлиги натижасида 1952 йилдан бошлаб, жами 6 мингдан кўпроқ шахтёр ишдан бўшатилди.

Рур концернларининг агалари кризисининг бутун оғирлигини меҳнаткашлар зиммасига юклашга интилиб, ишчиларни кўплаб ишдан бўшатиш ва кўмир қазиб чиқаришни тўхтатиш программасини амалга ошираяптилар. «Франкфуртёр альгемайне» газетасининг хабар беришича, кейинги ўн йил ичида Рурдаги тошкўмир саноатида банд бўлган ишчилар сони 444 минг кишидан 246 минг кишигача камайди. Урушдан кейинги йилларда Ғарбий Германия саноатининг бирор тармоғида ҳам бунчалик кўп ишчи ишдан бўшатилмаган эди.

ВЬЕТНАМГА ЮБОРИШМОҚЧИ

ПАРИЖ. Янги Зеландиянинг Куала-Лумпурга келган мудофаа министри Давид С. Томсон бундай деди: Янги Зеландиянинг Малайзияда жойлашган 300 га яқин солдати яқин ойлар ичида алмаштирилиб, Вьетнамга юборилади.

Д. Томсон ана шу гапни айтишдан олдин Малайзия бош министрининг ўринбосари ва мудофаа министри Абдул Раззоқ билан учрашган эди. Франс-Пресс агентлиги шу тўғрида хабар берди. (ТАСС).



Германия Демократик Республикаси курашаётган Вьетнам халқи билан бирдамдир. Людвигсфель шаҳридаги «Индустриверк» заводи ишчилари Вьетнам учун ўнта юк автомашинаси ва зарур бўлган запас қисмлар тайёрлаб берди. Бу машиналарга Осиё ва Африка мамлакатлари халқлари билан бирдамлик комитети ёрдам фондидан ҳақ тўланди.
АДН—ТАСС фотоси.

АФРОНИСТОН БОШ МИНИСТРИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ВАШИНГТОН. 31 март. (ТАСС). Афғонистон бош министри Мейвандвал кеча, «Вьетнамдаги аҳвол жиддий суратда ёмонлашаётганлиги ва бу ҳол бутун дунёдаги тинчликка тобора хавф туғдираётганлигидан қаттиқ ташвишга тушаётганлигини» айтди.

Афғонистон ҳукумати ва халқи шу нарсага амидирки, агар Жанубий Вьетнам халқига унинг ўз ҳоҳишига мувофиқ ва ташқаридан аралашмаган ҳолда ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш имконияти берилса, Шарқи-Жанубий Осиёдаги можаро бартараф қилинади, деди Мейвандвал миллий матбуот клубида сўзга чиқиб.

Расмий визит билан бу ерда меҳмон бўлиб турган бош министр Афғонистоннинг ташқи сиёсий йўли традицион бетарафлик ва ҳарбий иттифоқларга қўшилмаслик сиёсатига асосланади, деди. «Бизлар жаҳондаги барча мамлакатлар билан дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш ниятидадирмиз», — дейди Мейвандвал.

Афғонистон бош министри Америка ҳукуматини Вьетнам Демократик Республикаси территориясини бомбардимон қилишни тўхтатишга чақирди ва АҚШ авиациясининг Шимолий Вьетнамни бомбардимон қилаётганлиги можарони тинч йўл билан бартараф қилиш тўғрисидаги ҳар қандай музокараларга йўл қўймайди, деди.

Мейвандвал мухбирларнинг саволларига жавоб бериб айтдики, Афғонистон ҳукумати «агар мустақил ва суверен давлат бўлган Шимолий Вьетнамни бомбардимон қилиш ва унга қарши қаратилган бошқа ҳарбий ҳаракатларга чек қўйилса, можарони тинч йўл билан бартараф қилиш ва урушни тўхтатиш имконияти равшан бўлиб қолади».

ТАРБИЯЧИЛАР АНЖУМАНИ

Олмалиқ шаҳридаги Металлургларга саройига яқинда республикамиз мактаб-интернатлари ,махсус мактаб ҳамда болалар уйларининг раҳбарлари ва тарбиячилари тўпланишди. Тарбия муассасаларида ёш авлодни ўқитиш ишларини тағин ҳам яхшилаш борасида ўзаро фикрлашиб олиш мақсадида ташкил этилган бу уч кунлик семинар-йиғилиш жуда мазмунли ўтди.

Семинар-йиғилишда Ўзбекистон ССР маориф министрининг ўринбосари ўртоқ С. Розиқов «КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Ўрта умумий таълим мактаб ишларини янада яхшилаш чоралари ҳақида»ги қарори асосида республикамизда амалга оширилаётган таълим-тарбия ишлари тўғрисида» доклад қилди.

Доклад юзасидан бўлган музокарада мактаб-интернатларнинг директорлари, илмий бўлим мудирлари, тарбиячилар, область халқ маорифи бўлимларининг мудирлари қатнашиб, таълим-тарбия ишларини тағин ҳам яхшилаш ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Семинар йиғилишнинг секция ишлари ҳам кўнгилдагидек ўтди. Семинар қатнашчилари Пискентдаги 3, Чирчиқдаги 7, «Қизил Ўзбекистон» колхози мактаб-интернати ишлари билан танишдилар.

Семинар-йиғилишнинг секкамизнинг барча мактаб-интернатлари, болалар уйлари ҳамда махсус мактаб-интернатларнинг педагогик коллективларига қарата мурожаат қабул қилди.

К. МУҲАМЕДОВ.

РЕКОРДЛАР, ГОЛЛАР, ОЧКОЛАР УЧУН!

СПАРТАКИАДА БАЙРОҒИ ОСТИДА

Бугун ёзги спорт мавсуми бошланди. Спортчилар яна стадионларга, югуриш секторларига, спорт залларига чиқишди. Кучлилик ва чаққонлик, эпчиллик ва довюраклик бобида яна баҳслар бошланди.

Бугун «Пахтакор» стадионида «Пахтакор» — Марказий Армия спорт клуби командалари учрашуви олдидан ёзги спорт мавсуми байроғи кўтарилади. Енгил атлетика бўйича мусобақалар бўлади. Волейболчилар, теннисчилар куч синашади. Область полвонларининг ғолиблари энг кучли деган ном учун курашни давом эттирадилар.

Бугун фақат «Пахтакор» стадионидагина эмас, балки областимизнинг шаҳар ва районларида, қишлоқларида ҳам спортчиларнинг оммавий мусобақалари ўтказилади.

Бу йил спортчиларимиз олдида жуда катта ва шарафли вазифалар турибди. Юбилей йилида СССР халқлари IV спартакиадасида муваффақиятли қатнашиш, юксак натижаларни қўлга киритиш лозим.

Областимиз спортчилари юбилей йилида янги-янги марраларни кўзлашган. Улар ана шу ният ва мақсад билан ишлашяпти. Ҳозирда саломатлик посбони бўлган спорт билан 42 мингга яқин киши шуғулланмоқда. 213 та бошланғич физкультура ташкилотлари мавжуд бўлиб, уларда ўтган йили учта спорт мастери, 4 та мастерликка кандидат, 66 та биринчи разрядли, 335 та иккинчи разрядли, 3 мингга яқин учинчи разрядли спортчилар тайёрланди.

Янги-янги спорт базалари, стадионлар, енгил атлетика секторлари, волейбол, баскетбол, теннис майдонлари қурилмоқда. Ўтган йили Оққўрғон ва Бўкада икки стадион қуриб битказилди. Юқори Чирчиқ ва Ўрта Чирчиқ район марказларида ҳам янги стадионлар қуриляпти. Янгийўлдаги Свердлов номли колхозда қурилаётган стадион яқин орада фойдаланишга топширилади. Калинин районидаги «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» колхози спортчилари ҳам ажойиб совға олишади.

Областимиз спортчилари республикада ҳамиша энг кучлилар сафидан ўрин олиб келишяпти. Бу фикримизни яқиндагина тугаган эркин ва классик курашчиларнинг мусобақаси исботлайди. Фарғона ва Бухоро шаҳарларида ўтказилган полвонларнинг бахси областимиз командаси ғалабаси билан якунланди.

СССР халқлари IV спартакиадаси тобора яқинлашмоқда. Спортчиларнинг бу улкан анжуманнинг байроғи кўтарилишига ҳам тўрт ойдан камроқ вақт қолди. Шу кунда ҳамма спортчиларнинг бутун диққат-эътибори ана шу спартакиадага пухта тайёргарлик кўришга қаратилиши лозим. Ўзбекистон XIV спартакиадаси СССР халқлари IV спартакиадасига сўнгги тайёргарлик бўлади. Эрта-индин спартакиада программаси асосида кескин ва шиддатли олишувлар бошланади. Унинг ғолиблари Москвага йўлланма олишади. Ҳали гарчанд спартакиада байроғи кўтарилмаган бўлса-да, унинг биринчи чемпионлари аниқланди. Булар И. Бураков, И. Климов, М. Хлебов, Б. Кочетков, Б. Хатунцев, Р. Муҳаммаджоновлардир. Бу спортчилар куни-кеча ўтказилган марафонча югуриш ва спортча юришда ғолиб келишди.

Янги спорт мавсумингиз қутлуғ бўлсин, азамат спортчилар!

И. НАБИЕВ.

«Пахтакор» жамияти область советининг раиси.



Спорт — кучлилик, гўзаллик, довюраклик ошиносидир. Мана бу суратларга бир боқинг. Енгил атлетика, гимнастика, мотоспорт бўйича республикамизнинг энг кучли спортчилари маҳоратларини намойиш этмоқдалар. Бу эпчиллар ва чаққонларга янги спорт мавсумида янги-янги ғалабалар тилаймиз.

А. Паршин, Н. Надеждин ва Р. Альбеков фотолари.

ИККИ ИНТЕРВЬЮ

Б. А. АРКАДЬЕВ,

«Пахтакор» старший тренери, СССР да хизмат кўрсатган спорт мастери ва хизмат кўрсатган тренер



— Чемпионатга кўрилган тайёргарликдан хурсандмисиз, йигитларнинг кайфияти қандай?

— Янги мавсумга пухта тараддуд кўрдик. Тезроқ спорт формасига кириб олишга интилдик. Бунда албатта «Советский спорт» газетаси совғини учун ўтказилган қишки турнир мусобақалари кўл келди. Йигитларимизнинг ҳаммаси яхши кайфиятда.

— Бугунги рақибингиз ҳақида қандай фикрдасиз?

— Марказий Армия спорт клуби сўзсиз кучли коллективлардан. Бу командани азалдан яхши биламан. Лекин бу йил на мен ва на шогирдларим кўра олмадик уни. Командада бирталай қобилиятли ёшлар пайдо бўлибди. Бир нарсани аниқ айтаоламан: бугунги матч кескин ва шиддатли ўтади.

— Команда аъзолари бу йил нечанчи ўринни эгаллашга ахд қилишган.

— Ўтган йилдагидан кўра юқорироқ ўринни.

С. И. ШАПОЧНИКОВ,

Марказий армия спорт клуби старший тренери, Украина ССР да хизмат кўрсатган тренер

— Мавсумга кўрилган тайёргарликдан хурсандмисиз?

— Ҳа. Гарчанд баҳор ойлари об-ҳаво анча ноқулай келган бўлса-да, яхши тайёргарлик кўрдик. Мен бу ўринда СССР футбол федерацияси ва «Советский спорт» газетаси ташаббусини таъкидлаб ўтмоқчиман. Биз қишки турнирда асосий составни аниқлаб олдик. Йигитларимиз тез спорт формасига киришди.

— Бугунги рақибингиз ҳақида қандай фикрдасиз?

— «Пахтакор» билан ҳисоблашмаслик, бу жуда катта хато бўлур эди. Айниқса ўзбек футболчилари пойтахт командалари учун ҳавфли рақиб ҳисобланади. Москванинг бешта коллективи «Пахтакор» билан бор кучини ишга солиб ўйнайди десам янглишмайман.

— Бу йилги режаларингиз қандай?

— Фахрли ўринлардан бирини эгаллаш.

ЛЕВ ЯШИН «ПАХТАКОР» ҲАҚИДА

Яшин! Бу ном совет футболининг шуҳрати, тенгсиз маҳорат рамзи бўлиб қолди. У футболда узоқ йиллар моҳирлик билан ўйнай олиш мумкинлигини кўрсатмоқда. Ҳозир Иттифоқимиздаги ҳеч бир командада унинг тенгқури бўлган биронта ўйинчини тополмайсиз. У забардаст гавдаси билан ҳали ҳам тўпга арслондек чаққон ва енгил ташланадики, номини Лев (Арслон) деб бежиз қўйишмаган экан, дейсиз.

Унинг футбол табелида: 1929 йилда туғилган, бўйи 184 сантиметр, оғирлиги 81 килограмм, жаҳон ва Европа терма командаларининг аъзоси, 1963 йилги «Олтин тўп» мукофотининг эгаси, 1958, 1962, 1966 йилги жаҳон биринчиликларининг қатнашчиси, Совет Иттифоқи миллий терма командасининг ҳисобига олинган 69 та матчида иштирок этган, деб ёзилган.

Ўттиз саккиз баҳорни кўрган талантли дарвозабоннинг узоқ йиллар футбол тахтидан тушмай келаётганининг боиси нимада? Бунинг сабабини команда доктори Душанов жуда тўғри тушунтириб берди:— Яшин машқ вақтларида ҳам, ўйин вақтларида ҳам, кундалик турмушда ҳам қаттиқ режимга риоя қилади. У табиатнинг, овнинг мафтуни...

Яқинда Яшин Москвадаги тренерлар мактабини тамомлаб, устозлик дипломини олди. Лекин бу унинг дарвоза соқчилиги вазифасидан истеъфога чиққанлигини билдирмайди. Ўтган ойнинг бошларида тошкентликлар бу ажойиб спортчини тренировка майдонида кўп учратишди.

— «Ўқиш, ўқиш ва яна ўқиш» деган машҳур шиорни биз футболчилар «машқ қилиш, машқ қилиш ва яна машқ қилиш» деб тушуниншимиз керак, — дейди у. Ҳа, талантли дарвозабон ҳамон ўз устида тинмай ишламоқда. Бу йил Яшин ўн саккизинчи марта катта футбол мавсумини бошлайди. Қариб 20 йилдан буён «Москванинг «Динамо» командаси шарафини ҳимоя қилаётган дарвозабон ўз коллективига содиқлик намунасини ҳам кўрсатмоқда. Яшин дунё футболидаги, мамлакатимизнинг етакчи командаларидаги ҳамма ўзгаришларга, ўйин услуби ва тактикадаги реформаларга гувоҳ. Шунинг учун уни жаҳонининг энг зўр дарвозабони деб ҳисоблаш билан бирга, энг эътиборли футбол мутахассиси деб ҳам ҳисоблаш лозим.

Бинобарин унинг «Пахтакор» командаси ва айрим ўйинчилари хусусидаги фикрлари диққатга сазовор деб ўйлаймиз.

...Машҳур дарвозабон билан «Тошкент» меҳмонхонасида, дўстлари даврасида учрашдик.

«Динамо» баҳорги турнир мусобақаларини муваффақиятли ўтказиб, финалга чиққан кун эди.

— Динамочилар чемпионатда ҳам мукофотга даъвогарлик қилсалар керак?— сўраймиз дарвозабонлар карвонбошисидан.

— Бўлмасамчи?! «Динамо» ҳар йили ҳам биринчи ўрин учун курашади. Бу йил — Совет ҳокимиятининг юбилей йилида олдимизга қатъий вазифа қўйганмиз: ишқибозларимизни хурсанд этамиз — медалдан қуруқ қолмаймиз.

Яшиндан аввало ҳамкасби Пшеничников ҳақидаги фикрларини айтиб беришни илтимос қилдим.

— Мен Юрани узоқ вақтдан буён биламан,— дейди Яшин.— У йил сайин ўйнининг яхшилаб бормоқда, маҳоратига маҳорат қўшмоқда. Юрани мамлакат олимпиада терма командаси составига бекорга олишди дейсизми? У ўзининг тиниқсиз меҳнати, футболга бўлган меҳр-муҳаббати туфайли бунга сазовор бўлди. Агар ҳар ким ҳам футболга Пшеничниковдек муносабатда бўлганда эди совет футболи ва хусусан Ўзбекистон футболи кўп нарса ютган бўларди. Мен Юрага мамлакатимиз спорт шарафини ҳимоя қилишда чин юракдан муваффақият тилайман.

— Пшеничниковнинг ўринбосари Любарцевчи?

— Коля ҳам катта футболда тажриба орттирган дарвозабонлардан. У Пшеничников йўқ вақтида командангизнинг юзини ерга қаратмайди, деб ўйлайман.

Ҳужумчиларнинг ўйин даражаси, кучи ва маҳорати дарвозабонларга беш қўлдек маълум. Хўш, Яшин тошкентлик ҳужумчиларга қандай баҳо беради?

— Очиғини айтиш керакки, — дейди у,— талай командалар қатори пахтакорчилар ҳам кўп тўп уролмайдилар. Тошкентликлар 3—4 талаб тўп киритган учрашувлар жуда оз. «Пахтакор» катта ҳисоб билан ғалаба қилганлик учун бериладиган мукофотга ҳеч қачон даъвогарлик қилолмаган. Лекин гапнинг сираси — Красницкий биз учун энг хавфли ҳужумчи бўлиб келган, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. У доимо олдинда ўйнаса командага яна ҳам кўпроқ фойда келтириши мумкин. Бу фикрни мен бошқа бир журналист билан қилган суҳбатимда ҳам уқтирган эдим. Ҳужумчи орқада ўралашиб юрмай, доимо рақиб дарвозабони рўпарасида бўлиши, уни пайт пойлаб чалғитиш пайида туриши лозим. Баъзи ўйинларда эса Красницкий ўрта линияларда бехуда юради. Абдураимов ҳам маҳоратли ҳужумчилардан. Унинг фазилати нимада? У жуда тез югиради. Эркин чиройли дриблингни, хилма хил айёрона ҳаракатларни пухта ўрганганки, бу билан дарвозабонларни ҳам, ҳимоячиларни ҳам доғда қолдиради.

— Шундай эмасми Жора?— Яшин командадош дўсти, машҳур ҳимоячи Георгий Рябовни суҳбатга тортади.

— Ҳа, буни мен кўп синаганман,— дўстининг фикрини тасдиқлайди у.— Мана шундай ҳужумчилар сафи кенгайса, «Пахтакор» ишқибозларини яна ҳам хушнуд эта олади. Бунинг учун ёшлар кўп тер тўкишлари керак.

— Тошкент — ажойиб шаҳар. Бу ерда футболни севадиган, уни қадрлайдиган кишилар кўп. Биз мана шу шонли шаҳарда мамлакат биринчилигига тайёрланганлигимиздан хурсандмиз.— деди Яшин.

Пировардида у «Пахтакор»нинг келажагига ишонч билдириб, бу ёш, аҳил коллектив ҳали чиниқиб, яна баланд парвоз этишига, турнирнинг ўртасидан юқорига томон силжишига мен аминман,— деб айтди.

— Янги мавсум сизларга янги муваффақиятлар келтирсин! Талантли футболчининг бундай самимий фикрларига «Пахтакор»нинг қайси бир мухлиси қўшилмайди дейсиз?!

С. МУСАЕВ.

АПРЕЛДАГИ ЎЙИНЛАР

2 АПРЕЛЬ

«Заря» (Луганск) — «Спартак» (Москва), «Нефтяник» (Боку) — «Динамо» (Киев), «Арарат» (Ереван) — «Черноморец» (Одесса), СКА (Ростов) — «Динамо» (Минск), «Шахтёр» (Донецк) — «Зенит» (Ленинград), «Пахтакор» (Тошкент) — ЦСКА.

«Қайрат» (Олма-Ота) — «Крылья советов» (Куйбишев), «Динамо» (Тбилиси) — «Локомотив» (Москва), «Торпедо» (Кутаиси) — «Торпедо» (Москва).

7 АПРЕЛЬ

«Заря» (Луганск) — «Динамо» (Москва), «Нефтяник» (Боку) — «Черноморец» (Одесса), «Арарат» (Ереван) — «Динамо» (Киев), СКА (Ростов) — «Зенит» (Ленинград), «Шахтёр» (Донецк) — «Динамо» (Минск), «Пахтакор» (Тошкент) — «Крылья советов» (Куйбишев), «Қайрат» (Олма-Ота) — «Динамо» (Тбилиси») — «Торпедо» (Москва), «Торпедо» (Кутаиси) — «Локомотив» (Москва).

12 АПРЕЛЬ

«Заря» (Луганск) — «Торпедо» (Москва), «Динамо» (Киев) — «Спартак» (Москва), «Черноморец» (Одесса) — «Динамо» (Москва), СКА (Ростов) — «Нефтяник» (Боку), «Шахтёр» (Донецк) — «Арарат» (Ереван), «Пахтакор» (Тошкент) — «Динамо» (Минск), «Қайрат» (Олма-Ота) — «Зенит» (Ленинград), «Динамо» (Тбилиси) — ЦСКА, «Торпедо» (Кутаиси) — «Крылья советов» (Куйбишев).

17 АПРЕЛЬ

«Заря» (Луганск) — «Локомотив» (Москва], «Динамо» (Киев) — «Динамо» (Москва), «Черноморец» (Одесса) — «Спартак» (Москва), СКА (Ростов) — «Арарат» (Ереван), «Шахтер» (Донецк) — «Нефтяник» (Боку), «Пахтакор» (Тошкент) — «Зенит» (Ленинград], «Қайрат» (Олма-Ота) — «Динамо» (Минск), «Динамо» (Тбилиси»] — «Крылья советов» (Куйбишев), «Торпедо» (Кутаиси) — ЦСКА.

22 АПРЕЛЬ

«Динамо» (Москва) — «Спартак» (Москва).

23 АПРЕЛЬ

«Торпедо» (Москва] — «Локомотив» (Москва), «Крылья советов» (Куйбишев) — ЦСКА, «Динамо» (Минск) — «Зенит» (Ленинград), «Нефтяник» (Боку) — «Арарат» (Ереван), «Черноморец» (Одесса) — «Динамо» (Киев), СКА (Ростов] — «Шахтер» (Донецк), «Пахтакор» (Тошкент) — «Қайрат» (Олма-Ота), «Торпедо» (Кутаиси) — «Динамо» (Тбилиси).

27 АПРЕЛЬ

«Локомотив» (Москва) — «Спартак» (Москва), «Крылья советов» (Куйбишев) — «Заря» (Луганск], «Динамо» (Минск) — «Торпедо» (Кутаиси), «Зенит» (Ленинград) — «Динамо» (Тбилиси), «Нефтяник» (Боку) — «Қайрат» (Олма-Ота), «Арарат» (Ереван) — «Пахтакор» (Тошкент], «Динамо» (Киев) — «Шахтер» (Донецк), «Черноморец» (Одесса) — СКА (Ростов).

28 АПРЕЛЬ

«Динамо» (Москва) — «Торпедо» (Москва).

ИШҚИБОЗЛАР, СИЗЛАР УЧУН

Ҳарбир футбол ишқибози ён дафтарига эга бўлади. Унга футбол оламида рўй берган ва рўй бераётган янгиликларни ёзиб боради. Севимли командасининг эгаллаган ўринлари, тўплаган очколари, тўплар нисбати, юбилей матчлари ва голларини алоҳида қилиб ажратиб қўяди. Қуйида «Пахтакор» командаси ишқибози тўплаган фактлардан айримларини диққатингизга ҳавола қиламиз.

ЮБИЛЕЙ ЎЙИНЛАРИ ВА ТУПЛАРИ

Агар бугун «Пахтакор» дарвозасини Ю. Пшеничников қўриқлайдиган бўлса, бу унинг 150-матчи бўлади. «Пахтакор»нинг «А» классида 100-юбилей тўпини 1962 йил 8 сентябрда Ленинграднинг «Динамо» командаси билан бўлган ўйинда И. Малиновский, 200 юбилей голини эса 1966 йил 14 майда Москванинг «Динамо» командаси ҳимоячиси В. Глотов ўз дарвозасига киритган.

Пахтакорчилар жами 299 та тўп ўтказиб юборишган, 300—голнинг автори ким бўларкин? (Бунга ҳозир унчалик шошилаётганимиз ҳам йўқ). Команда составида энг кўп майдонга тушган ўйинчи В. Суюнов бўлади. У 182 марта «Пахтакор» составида майдонга тушган. Ундан кейинги ўринда Г. Красницкий туради. Э. Абдураимов ҳам шу апрель ойи ичида 150-матчини ўтказади. Ҳ. Раҳматуллаев билан Р. Зокировлар ҳам бу мавсумда 100-юбилей матчини ўтказишади.

«Пахтакор»нинг 7 апрелда Куйбишевнинг «Крылья Советов» билан бўладиган навбатдаги ўйини 200-матч бўлади. Бугунгача тошкентлик футболчилар жами 198 матч ўтказишган. Бунинг 61 тасида ғалаба қозониб, 72 тасида енгилишган, 65 матч дуранг бўлиб тугаган.

Тўпловчи Ш. УМУРЗОҚОВ.

ТЕЖАМЛИ ЎЙИНЛАР

1963 йилда тошкентлик футболчилар жуда бўш ўйнаб 21 очко тўпладилар ва иккинчи группага тушиб қолдилар.

1964 йил. «Пахтакор» иккинчи группада III ўринни эгаллаб, яна кучлилар сафига чиқди.

1965 йилда командамиз X, ўтган йили эса IX ўринни эгаллади.

ГОЛЛАР

«Пахтакор» «А» классида қатнаша бошлагандан бери (1964 йилдаги иккинчи группадаги натижалар ҳисобга олинмаган) жами бўлиб 230 тўп киритди. Бунинг авторлари қуйидаги футболчилардир: Г. Красницкий — 80 та, Э. Абдураимов — 34 та, Ю. Беляков — 19 та, Ҳ. Раҳматуллаев — 13-та, С. Стадник — 13 та, И. Таҳеддинов — 12 та, И. Малиновский — 8 та, А. Морозов — 8 та, С. Мелкумов — 7 та, Б. Иброҳимов — 5 та, В. Любушин — 5 та, В. Мухин, 5 та, В. Тожиров — 5 та, В. Казаков — 3 та, В. Қаҳҳоров — 3 та, С. Семёнов — 2 та, Н. Тимохин — 2 та, А. Иноятов — 1 та, В. Суюнов — 1 та.

4 тўпни эса рақиблар ўз дарвозаларига киритиб юборган. Булар пойтахт динамочилари В. Глотов, В. Царёв. «Локомотив» ҳимоячиси О. Чиненов ва «Нефтянник» ўйинчиси В. Брухтийдир.

УРИНЛАР

«Пахтакор» командаси 1956 йилда «Спартак» командаси базасида ташкил қилинган ўша йили мамлакат биринчилиги учун «Б» класси иккинчи зонасида қатнашиб, XIII ўринни эгаллади. Келаси йил учинчи зонада X, 1958 йилда бешинчи зонада IV ва 1959 йили ҳам IV ўринни олди.

«А» классида 1960 йилдан қатнаша бошлаган пахтакорчилар ўша йили «Зенит», «Крылья Советов», «Шахтёр» синфари кучли командаларни ортда қолдириб, 14 ўринни эгаллади.

1961 йил. «Пахтакор» фахрли X ўринни олди. Тўплар нисбати 44—61.

1962 йил. Бу мавсум командамизга катта ғалаба келтирди. Фахрли VI ўринни олган пахтакорчилар СССР спорт мастери унвонига эга бўлишди.

Суратларда: пахтакорчиларнинг мавсумолди сўнгги машғулот пайти. Чапда дарвозабон Ю. Пшеничников тўпни қайтармоқда. Ўнгда (ўртада) Ҳ. Раҳматуллаев дарвозага тўп тепяпти.

А. Абалян фотолари.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

2 АПРЕЛДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 10.55 — **Эшиттиришлар программаси**, 11.00 — **Юлдузча** (болалар учун кинофильм), 11.50 — **Пионервожатийларнинг сиртқи мактаби**. 12.20 — **Шустрик ва Мямлик саёҳат қиладилар** (қўғирчоқ фильм).

Ўзбек тилида: 13.00 — **Яшил дўстлар**, 13.15 — **Еш куч** (болалар учун спорт программаси), 13.45 — **Тайга сукунати** (бадиий фильм), 15.20 — **Жамбул номли мактабда** (қозоқ тилида эшиттириш ва концерт).

16.55 — **Эшиттиришлар программаси.**

17.00 — Футбол бўйича XXIX СССР чемпионати. **«Пахтакор»** (Тошкент) — **МАСК** (Москва) **командалари ўртасида футбол** («Пахтакор» стадионидан олиб кўрсатилади), **танаффус вақтида телеангилинлар.**

18.45 — **Қазилма бойликларни кидирувчилар** (геологлар кунига бағишланади).

Рус тилида: 19.05 — **Қурувчиларнинг телевизион клуби**, 20.15 — **12 стул** (телефильм).

Ўзбек тилида: 21.15 — **Телевизион янгиликлар**, 21.30 — **Саттор Ярашев** (Совет Ўзбекистони санъат усталари).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

10.55 — **Эшиттиришлар программаси**, 11.00 — **Ўрта мактабни битирувчилар учун физикадан консультация** (Ўзбек тилида).

12.00 — **Жамиятшунослик** (рус тилида).

13.00 дан — **Москва кўрсатади.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 2/IV кундуз **Оққуш кўли**, кечқурун **Чио-чио-Сан.**

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 2/IV да **Парвона.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 2/IV да **Қалам қошлигим**, 3/IV да **Жон қизлар.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Катта цирк томошалари. **Хиндистон филлари аттракциони.**

КИНО

Салом, кичкинтой! — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ», «МИР», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун), «ФЕСТИВАЛЬ» (эрталаб соат 11 ва кундуз 1 да), «ДРУЖБА» (I залда тоқ соатларда).

Авлиё Ионни бошидан жудо қилиш — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Токио олимпиадаси — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Катя ва тимсоҳ — «ЧАЙКА» (эрталаб соат 10 да), «СПУТНИК» (эрталаб 10 да).

1967 йил 14 апрель кундуз соат 2 да Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг педагогика назарияси бўйича илмий совети мажлисида (Педагогика кўчаси, 103-уй, 61-аудиторияда) педагогика фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун

С. М. Йўлдошева «Ўқув фаолиятида ўқувчи ёшларнинг ўз-ўзига баҳо беришининг пайдо бўлиш ва ривожланиш хусусиятлари» деган темада;

К. Садвакасова «1920—1932 йилларда Қозоғистонда хотин-қизлар билим олишининг ривожланиши» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЕҚЛАЙДИЛАР

Диссертацияларни Педагогика институтининг кутубхонасида танишиш мумкин.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 01699.
ИНДЕКС 64970.
А.—1833.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.